2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета № 198 (1524), 2025 йил 25 сентябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ЎРТАСИДАГИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси тадбирларида иштирок этиш учун 20-24 сентябрь кунлари амалий ташриф билан Нью-Йорк шаҳрида бўлди.





Давлатимиз раҳбари 24 сентябрь куни АҚШ Конгресси аъзоси, Вакиллар палатасидаги “Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича кокус” раиси Трент Келли ва Миссисипи штати Миллий гвардияси қўмондони, генерал-майор Бобби Жинни қабул қилди.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, шу жумладан, парламентлараро мулоқотни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Парламентлараро мулоқот ва алмашинувлар жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Конгресс Сенати ва Вакиллар палатаси аъзолари Ўзбекистонга мунтазам ташриф буюрмоқда. “Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича кокус” фаол ишламоқда, унинг таркиби кенгаймоқда. Конгрессда ҳар йили икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган Ўзбекистон кунлари ўтказиб келинмоқда.

АҚШнинг Миссисипи штати билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларга юксак баҳо берилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликни янада кенгайтириш, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишда Конгресснинг қўллаб-қувватлови муҳим экани таъкидланди.

Суҳбат якунида яқинда Конгресс делегацияси ва Миссисипи штати ишбилармонларининг Ўзбекистонга ташрифларини ташкил этишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШга амалий ташрифини якунлар экан, анъанага кўра, ушбу мамлакатда меҳнат ва истиқомат қилаётган ватандошларимиз, шунингдек, АҚШнинг нуфузли университетларида таҳсил олаётган “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари билан учрашди.

Норасмий муҳитда ўтган самимий суҳбат давомида Янги Ўзбекистондаги ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар, хусусан, уларни фаол илгари суришда ватандошлар ва уларни бирлаштирувчи ташкилотларнинг иштироки муҳокама қилинди.

Учрашувда муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ватандошлар ва ёшлар ўртасида мулоқот майдонини яратишга қаратилган “Ватандошларнинг халқаро бизнес марафони”га старт берилди.

Иштирокчилар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий ва таълим алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётнинг устувор соҳаларига АҚШнинг илғор технологияларини жорий этиш, тиббиёт, транспорт ва логистика соҳаларида инновацияларни илгари суриш, мамлакатимизда маркетплейсларни ривожлантириш бўйича ўз таклифларини билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларга Ватанимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси учун миннатдорлик билдириб, айтилган барча таклиф ва ташаббуслар мамлакатимиз вазирлик ва идоралари томонидан пухта ўрганиб чиқилиши, энг истиқболлилари эса амалиётга татбиқ этилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти АҚШда “Эл-юрт умиди” стипендиатлари сони 500 нафардан ошганига алоҳида эътибор қаратди. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва тажрибасини она юртда қўллаш учун имконият яратиш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев талабаларга ўқишда ва келгусидаги касбий фаолиятларида муваффақиятлар тилаб, давлатимиз ёшларнинг ташаббусларига доимо очиқлиги ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини таъкидлади.

Ўз навбатида, учрашув иштирокчилари Ўзбекистон етакчисига хориждаги ватандошлар ва ёшларга кўрсатилаётган эътибор, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун яратилаётган шароит ва имкониятлар учун миннатдорлик билдириб, Ватанимиз равнақига янада кўпроқ ҳисса қўшишга тайёрлигини билдирдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи якунланди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Буюк ўзбек йўли

ЎЗБЕКИСТОН — БМТ: КЎП ТОМОНЛАМА ДИПЛОМАТИЯ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2025 йил 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясида нутқ сўзлади. Бу — давлатимиз раҳбарининг 2017 йилдан буён БМТ бош минбарида бешинчи марта нутқ сўзлаши. Айни воқеа Ўзбекистон сўнгги 8 йилда БМТнинг энг фаол аъзоларидан бирига айлангани ва у билан ҳамкорлигимиз мутлақо янги даражага кўтарилганини яққол тасдиқлайди.



Янги давр: БМТ келажагига янгича ёндашув зарурати

Жорий йил Ўзбекистоннинг БМТга аъзолигига 33 йил, ушбу нуфузли халқаро ташкилотга асос солинганига эса роппа-роса 80 йил бўлди. Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин бундай ҳалокатли қирғинбаротларга келгусида йўл қўймаслик учун тузилган ва ҳозир 193 давлатни бирлаштирган ташкилот инсониятнинг улкан ютуғи бўлганини орада ўтган саксон йиллик мураккаб ва масъулиятли давр яққол тасдиқлаб турибди.

Бу ҳақда БМТ Бош Ассамблеяси 80-юбилей сессиясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлисида алоҳида сўз юритилди. Бинобарин, бундан 80 йил олдин инсониятнинг битта авлоди бошига иккита жаҳон уруши азобини тортиш қисмати тушди. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушида кўплаб мамлакатлар вайронага айланди, 70 миллиондан ортиқ инсон қурбон бўлди.

Шу маънода, аслида ҳам, 1945 йил 26 июнда БМТ низоми имзолангани шунчаки расмиятчилик эмас, балки инсоният урушнинг ўша қора кунларидан сабоқ чиқарганининг том маънодаги тасдиғи бўлди.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланувчи дипломатия соҳасида, **биринчидан,** ҳамкор давлатлар билан икки томонлама дипломатия, **иккинчидан,** минтақамиздаги қўшни мамлакатлар билан минтақавий дипломатия, **учинчидан,** асосий халқаро ташкилотлар билан кўп томонлама дипломатия доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликка катта аҳамият қаратади. Давлатимиз БМТ низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро шартномалардаги мақсад ва принципларга содиқ бўлиб, зиммасига олган мажбуриятларни бажариб келмоқда.

Давоми 3-бетда

АЁЛ ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ, МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ ВА БУЮК КЕЛАЖАК КАФОЛАТИДИР

Янги Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган, у жамият тараққиётининг асосий мезони сифатида қабул қилинган давлат. Бу ғоя қонуний ҳужжатларда эмас, кўз ўнгимизда, ҳар бир инсоннинг ҳаётида ўз аксини топмоқда. Айниқса, хотин-қизларга муносабат, уларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган ислоҳотлар бугунги тараққиёт стратегиясининг бош мақсадларидан бирига айланди.

Бу Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясидаги нутқида яна бир бор яққол намоён бўлди. Ушбу маъруза дунё ҳамжамиятида, шу билан бирга, юртимизда ҳам аёлларнинг ҳуқуқлари, имкониятлари ва фаровон келажагига оид масалалар давлат сиёсатида қай даражада устувор ўрин тутаётганини яққол кўрсатди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи мукаммал дипломатик баёнот ўлароқ, инсонпарварлик, адолат ва фидойилик руҳидаги янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги юзини ва қатъий позициясини акс эттирди. Унда нафақат глобал муаммолар тилга олинди, балки уларни ҳал этиш бўйича аниқ стратегия, амалий ечимлар ҳам таклиф этилди.

Бугунги замонавий, тез ўзгарувчан дунёда хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаоллигини ошириш давлат, жамият учун ҳаётий аҳамият касб этади. Боиси, аёл фаол бўлса, жамият фаол бўлади. Аёл етакчи бўлса, миллат тараққий этади. Аёл бахтли бўлса, оила барқарор, мустаҳкам бўлади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилаётган имкониятлар йил сайин кенгайиб, мазмунан бойиб бораётгани янада аҳамиятли.

Давоми 2-бетда

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Юртимизда куз фаслининг ажиб таровати кезиб юрибди. Фасллар гавҳари куз — йил давомида қилинган меҳнат самарасини, далаю томорқалар, боғларда етиштирилган мева-сабзавотларни йиғиб-терадиган, хирмон уйиб, қишга ҳозирлик кўрадиган мавсум. Халқимиз бу фаслни мажозий маънода ҳам натижалар мавсуми сифатида идрок этади.

Янги Ўзбекистонимизда барча жабҳа, соҳа ва тармоқларда бу йил том маънода юксалиш йили бўлди. Узоққа бормайлик, Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШга амалий ташрифи, БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси доирасидаги тадбирлар жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиб турибди. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг олий даражадаги бу ташрифи икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик сари янги қадам бўлди.

Президентимизнинг АҚШга амалий ташрифи нафақат икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тарихида, балки Марказий Осиё минтақасининг халқаро сиёсатдаги ўрнини белгилаб берадиган муҳим воқеа сифатида қайд этилди.

Бу ташриф расмий форматдаги дипломатик сафардан анча кенг қамровли. Унинг замирида катта сиёсий ирода, мустаҳкам иқтисодий режалар ва Ўзбекистоннинг глобал жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган стратегик ёндашув мужассам.

Давоми 2-бетда

АЁЛ ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ, МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ ВА БУЮК КЕЛАЖАК КАФОЛАТИДИР

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз нутқида алоҳида таъкидланганидек, **“Устувор мақсадимиз — ҳар бир оиланинг, ҳар бир инсоннинг ҳаётини яхшилаш, инсон қадрини юксалтириш”.** Бу мақсад янги Ўзбекистондаги кенг қўламли ислоҳотларнинг фалсафий ва амалий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Бу фикр, шубҳасиз, жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасида ўз ифодасини топаётган ҳаётий воқеликдир. Айнан шу тамойил асосида давлатимиз раҳбари гендер тенглик, хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаоллигини кучайтиришни миллий тараққиёт моделида алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиламоқда.

Шу нуқтаи назардан, Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириш ташаббуси ҳам жаҳонда гендер сиёсатини янги босқичга кўтаришга қаратилган улкан қадамдир. Бу мамлакатимиз, қолаверса, бутун минтақа хотин-қизлари учун янги имкониятлар эшигини очувчи, уларнинг овозини халқаро ҳамжамиятга етказувчи муҳим майдонга айланиши шубҳасиз. Демак, давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси орқали Ўзбекистон ташқи майдонда ҳам инсон қадрини улуғлаш ғоясини илгари сурмоқда.

Сўнгги йилларда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган қизлар учун давлат грантлари сони икки баравар оширилиб, тўрт мингга етказилгани натижасида минглаб қизлар учун илм эшиклари очилди. Бу орқали 3816 қиз олий таълимга қабул қилинди.

Яна бир муҳим ташаббус — беш йиллик иш стажига эга, аммо олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар учун квоталар сони беш баравар оширилиб, 2500 тага етказилди. Мазкур имтиёз орқали 2 мингдан ортиқ хотин-қиз ўз ҳаётида янги саҳифа очмоқда.

Сўнгги беш йил давомида белгиланган имтиёзга мувофиқ, 13 мингга яқин хотин-қиз давлат гранти асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

2022 йилдан буён давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари давлат бюджетидан қоплаб берилиши йўлга қўйилди. Бу мақсад учун 2022-2025 йиллар оралиғида 333,8 миллиард сўм давлат бюджетидан маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари, 4523 талаба хотин-қизга 57 миллиард сўмдан ортиқ таълим кредити ажратилгани Ўзбекистонда хотин-қизлар таълимига нечоғлик катта эътибор кўрсатилаётганини англатади.



Зулайҳо МАҲКАМОВА,
Бош вазир ўринбосари,
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси

Мазкур имконият ва имтиёзлар натижасида олий таълимдаги талабалар орасида хотин-қизлар улуши 53 фоизга етди. 2017 йилда бу кўрсаткич 39 фоиз эди.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳасида қатнашганлар орасида қизлар салмоғи 51 фоизни ташкил қилиши хотин-қизлар эндиликда нафақат анъанавий, балки рақамли технология, инновация ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳам ўз ўрнига эга бўлаётганини англатади. Илғор соҳаларда аёлларимиз дунё миқёсида рақобатбардош кадрларга айланмоқда. Бундай қизларимиз учун Зулфия номидаги давлат мукофотининг ахборот технологиялари йўналишида жорий этилиши ҳам катта рағбат ва ишончдир.

Сиёсий соҳада ҳам аёлларнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Миллий кадрлар захирасида аёллар улуши 32 фоизга етган бўлса, маслаҳат кенгашлари сони 155 тадан 4 мингтагача оширилди. Корхона, муассаса ва ташкилотларда хотин-қизлар масалалари билан ишловчи масъуллар сони 5 мингдан ошди. Буларнинг замирида эзгу мақсад мужассам — жамиятда хотин-қизлар манфаатини ҳамиша устувор қўйиш, ҳар бир соҳада тенг шароит яратиш.



Жорий йилда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, иқтисодий ҳаётга фаол жалб этиш борасида тизимли ишлар қилинди. Республика бўйича 1,9 миллион аёл даромадли меҳнатга жалб этилди. Улардан 491,2 минг нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилди, 262,5 минг нафари эса касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди.

2025 йилнинг ўтган даврида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 204 минг хотин-қизга 15 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шундан 105 мингги оилавий бизнесни йўлга қўйди. Қишлоқ хўжалиги ва уй меҳнатига ихтисослашган лойиҳалар орқали минглаб хонадонларда иссиқхона, парандачилик ва асаларичилик йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, ҳар бир аёлнинг ҳуқуқий, психологик ва касбий қўллаб-қувватланишини таъминлаш мақсадида туман ва шаҳарларда 197 та “Оила ва хотин-қизлар маскани” ташкил этилди. Уларда 80 мингдан ортиқ хизмат кўрсатилди, никоҳланувчи 90 мингга яқин ёш оилавий ҳаёт сабоқларига ўқитилди. Қувонарлиси, бу ижобий кўрсаткичлар ўсиб бормоқда.

Ушбу амалий ишлар хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллиги, билим ва салоҳияти ҳамда жамиятдаги тенг иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда барқарор тараққиёт ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда муҳим пойдевор вазифасини ўтайди.

Президентимиз халқаро юксак минбарда туриб сўзлар экан, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридийнинг маънавий меросини қайта жонлантириш ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга экани, маърифатли жамият фақат эркаклар билан эмас, аёллар, оналар билан барпо этилиши ҳақидаги фикрини бутун дунё ҳамжамияти катта ҳаяжон ва қизиқиш билан қабул қилди. Чиндан ҳам аёл маърифатли бўлса, фарзанд олиму комил бўлади. Демак, маърифат аёл қадрини юксалтиришнинг энг муҳим таянчидир.

> **Бугун янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, Учинчи Ренессанс бунёдкорлари саналган ёшлар тарбияси бўладими, тинчлик ва бағрикенглик масалалари бўладими — барида хотин-қизларга, уларнинг илмий-ижодий салоҳиятига етакчи куч сифатида қаралмоқда.**

Президентимизнинг “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни таъсис этиш ва ҳаракатнинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш ташаббуси ҳам бевосита мамлакатимиз аёллари, оналарнинг юрагидаги орзу-умидларига ҳамоҳангдир. Чунки тинчлик, аввало, она қалбидаги мангу истакдир. Бугун биз — устозлар, мураббийлар ва оналар ёшлар онгида бағрикенглик, инсонпарварлик ва ҳамжиҳатлик туйғуларини мустаҳкамлашда фаол иштирок этяпмиз. Бундай эзгу мақсадлар учун яратилаётган давлат сиёсати бизга куч, ҳаракат ва рағбат бағишлайди.

Бугун мамлакатимиз халқаро майдонда ҳам аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, имкониятлар эшигини очувчи фаол позицияни эгаллаб бормоқда. Зотан, аёл қадрини улуғлаш барқарор тараққиёт, маърифатли жамият ва буюк келажак кафолатидир.

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида иштирок этиб, дунё ҳамжамияти олдида нутқ сўзлади. Унда халқаро хавфсизлик, барқарор ривожланиш, иқлим ўзгариши ва минтақавий ҳамкорлик масалаларига тўхталиб, Ўзбекистоннинг позициясини очиқ ва равшан ифода этди. Бу нутқ кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг яқин келажакда қандай ташқи сиёсат юритишини белгилаб берадиган дастурий ҳужжатга айланди.

Президентимиз юртимизда камбағалликни қисқартириш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб, **“Биз Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг ҳолда, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини олиб бормоқдамиз. Бунинг учун ортга қайтмас ислоҳотларимизни изчил давом эттиряпмиз.**

Устувор мақсадимиз — мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадри ва фаровонлигини оширишдир”, деди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда камбағаллик даражасини 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартиришга эришилгани қайд этилди. Инсонга инсондек яшаш шароитини тақдим этувчи ислоҳотлар самарасини акс эттирувчи ушбу маълумотларнинг шундай нуфузли минбарда баралла янграши замирида, албатта, мустаҳкам асос бор.

Шу ўринда 17-18 сентябрь кунлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтган “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форумини эслаб ўтиш ўринли. Нуфузли халқаро экспертлар иштирокида учинчи бор ташкил этилган мазкур йирик анжуманда давлатимиз раҳбари иштирок этиб, юртимизда янги ташаббус ва тажрибаларни синовдан ўтказиб, дунёдаги ижобий ютуқларни ўрганиб, камбағалликни қисқартириш бўйича Янги Ўзбекистон модели яратилгани хусусида тўхталган эди.

Айни пайтда мамлакатимизда еттита устувор йўналишни қамраб олган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури умуммиллий ҳаракат сифатида изчил амалга оширилмоқда. Таълим ва илм-фан соҳасини ўзгартириш, инновацион тармоқлар ва технологик саноат корхоналарини барпо этиш, “яшил” энергетика ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш орқали минглаб янги иш ўринлари очилмоқда.



Раъно ТУРДИБОЕВА,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари, юридик фанлар номзоди

Анжуманда иштирок этган Ислом тараққиёт банки гуруҳи раиси Муҳаммад Ал-Жассер эътирофини сўзимиз исботи сифатида келтирамиз. “Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатадики, камбағаллик тақдир эмас, уни дадил раҳбарлик, интизомли ижро ва инновацион ҳамкорлик билан енгиш мумкин. Ислом тараққиёт банки номидан Ўзбекистон ва барча аъзо давлатларимиз билан бирга бу йўлдан боришга содиқлигимизни яна бир бор тасдиқлайман”, дея таъкидлаган эди халқаро эксперт.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШдаги етакчи корпорациялар ва инвестиция ташкилотлари раҳбарлари билан музокаралари Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, авиация соҳасида 8 миллиард долларлик келишув доирасида “Uzbekistan Airways” компанияси томонидан 22 та Boeing 787 Dreamliner самолётини харид қилиш бўйича шартнома имзоланди.

Шунингдек, АҚШ билан саноат, қишлоқ хўжалиги, “яшил” энергетика ва рақамли технологиялар соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича қатор келишувларга эришилди. Бу Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлиги ошиб бораётганининг яққол далилидир.

Ташриф доирасида АҚШ университетлари билан шериклик алоқаларини ривожлантириш, талабалар алмашинуви дастурларини кенгайтириш ҳамда илмий тадқиқот йўналишларида ҳамкорлик қилишга қаратилган ташаббуслар ҳам қўллаб-қувватланди. Бу лойиҳалар нафақат таълим соҳасини ислоҳ қилиш, балки Ўзбекистон ёшларига жаҳон андозалари асосида таълим олиш имкониятини яратишга ҳам хизмат қилади. Шунингдек, маданият ва санъат, креатив индустрия соҳаларида ҳам ишончли ҳамкорлик муҳити шаклланмоқда.

Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлаш, терроризм ва трансмиллий таҳдидларга қарши кураш, Афғонистон муаммоси бўйича амалий ечимларни қидириш Президентимизнинг АҚШдаги музокараларида алоҳида эътибор марказида бўлди.

Ўзбекистоннинг “ҳамма билан дўстлик, ҳеч ким билан адоват эмас” тамойили асосидаги ташқи сиёсати халқаро ҳамкорлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Учрашувларда АҚШ расмийлари Ўзбекистоннинг мустақил ва прагматик ташқи сиёсий йўналишини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Президентимизнинг АҚШга ташрифи, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий стратегиясида янги саҳифа очади. Зеро, ушбу ташриф орқали мамлакатимизнинг халқаро муносабатлардаги роли янада мустаҳкамланди, иқтисодий салоҳият кенгайиши, маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик эса янги босқичга кўтарилиши учун замин ҳозирланди.

Энг муҳими, ушбу ташриф Ўзбекистонни бутун дунёга очиқ, ташаббускор ва халқаро шерикликка тайёр давлат сифатида кўрсатди.

МЕҲНАТЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ОЛИМ

Олимлар — туну кун изланишдан, меҳнатдан тўхтамайдиган, илм йўлидаги машаққатларни писанд қилмайдиган инсонлар. Уларнинг заҳматли меҳнатлари само сирларидан бизни огоҳ қилади, ер қаърига беркинган тарихни жонлантиради. Ана шундай олимлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Аҳмадали Асқаров.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига кўра мамлакатимизда илм-фан соҳасини ривожлантириш, юртимиз бой тарихини ўрганиш ва тарғиб этишга қўшган катта ҳиссаси, иқтидорли олимларни тайёрлашдаги ибратли фаолияти учун Тошкент давлат педагогика университети профессори, академик Аҳмадали Асқаров “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

Мазкур мукофотни олим таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб Фанлар академиясида ўтказилган халқаро-илмий конференцияда Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов тантанали топширди.

Шундан сўнг академик Асқаровнинг археология фанидаги беқиёс хизматлари, Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихининг ўрганилишига қўшган ҳиссаси ҳамкасблари ҳамда шогирдлари томонидан алоҳида эътироф этилди.

— Аҳмадали Асқаров нафақат шогирдларига, балки тарихга қизиққанлар, талабалар, магистрларга билим бериб, тўғри йўлни кўрсата олади, — дейди олимнинг шогирди Тошкент Амалий фанлар университети профессори Нигора Эгамбердиева. — Устоз Ўзбекистон тарихи фанига ҳам катта янгиликлар киритган. Шулардан энг муҳими Ўзбекистон давлатчилиги тарихи даврини 4 минг йиллик деб белгилаб берди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон тарихи фанида энг катта туб бурилиш ҳисобланади. Аҳмадали Асқаров бутун илмий фаолияти давомида академик Я.Ғ.Ғуломов археологик илмий мактабининг изчил давомчиси сифатида археолог кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор бериб келди. Унинг шахсий ташаббуси билан Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск каби йирик марказларида ўнлаб ўзбекистонлик ёш мутахассислар таҳсил олди.

Шунингдек, олий ўқув юртлари учун 2 та дарслик, 4 та ўқув қўлланмаси, 8 та ўқув-услубий ишлар, ўрта мактаб 5-синф тарих фани ўқитувчилари учун қўлланма тайёрлаб чоп этди. Ушбу қўлланма қорақалпоқ, рус, тожик, қирғиз ва туркман тилларига таржима қилиниб, кўп нусхада мактабларга етказилди. Аҳмадали Асқаров саъй-ҳаракатлари ва бевосита раҳбарлигида 1994 йилда “Ўзбекистон тарихи”дан ўрта мактабларнинг 6-9-синф ўқувчилари учун дарслик-қўлланмалар тайёрланиб, улар А.Асқаров таҳрири остида кўплаб нусхада нашр этилди. Жорий йилда эса ўрта мактабнинг 5-синфлари учун “Тарихдан ҳикоялар” номли дарслик яратди.

Олимнинг бу каби меҳнатлари эътироф этилиши ёшлар учун ибрат мактаби бўлиб, уларни илмга қизиқтириш, изланишга ундаш ҳамда илм аҳлига бўлган ҳурмат ва эътиборни кучайтиради.

Нигора РАҲМОНОВА,
ЎзА мухбири

Брифинг

Бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайдими, теримчилар учун шароит етарлими? Мамлакатимизда 25 сентябрдан ана шу ҳолатларни ўрганиш бўйича миллий мониторинг бошланди.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ВА БОЛАЛАР МЕҲНАТИ БУТУНЛАЙ БАРҲАМ ТОПГАН

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида ташкил этилган брифингда миллий мониторингни ташкил этиш борасидаги ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Халқ манфаатларини таъминлаш ва инсон қадрини улуғлаш мақсадида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам салмоқли ютуқларга эришилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли мамлакатимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам берилди.

Шу мақсадда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мавжудлари такомиллаштирилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 2021 йилги пахта йиғим-терими мавсумида ўтказилган “Учинчи томон мониторинги” натижаларига кўра, Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан умуман фойдаланилмагани эътироф этилди. 2022 йил 10 мартда эса “Cotton Campaign” халқаро коалицияси ўзбек пахтасига глобал бойкот бекор қилинганини эълон қилди. Бу Ўзбекистон учун катта ютуқ бўлди.

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан ҳам тизимли ишлар қилинмоқда. Хусусан, бир неча йилдирки, фуқаролик жамияти институтлари иштирокида пахта йиғим-терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳамда теримчилар учун яратилган шароитларни ўрганиш юзасидан миллий мониторинг ўтказиб келинмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — пахта йиғим-теримида вояга етмаганлар, ўқувчи ва талабалар, бюджет ва бюджетдан ташқари ташкилотлар ходимларининг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

Шунингдек, пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун етарли яшаш, дам олиш ва меҳнат шароити яратилганини баҳолаш, қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта хомашёси учун адолатли меҳнат ҳақи тўланиши, пахта-тўқимачилик кластерлари, фермер хўжаликлари ходимлари билан меҳнат шартномаси, вақтинчалик теримга жалб қилинган фуқаролар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатли меҳнат шартномаси ҳамда терим гуруҳлари ва пахта етиштирувчи хўжалик ўртасида жамоа шартномаси тузилганини назорат қилишдан иборат. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси томонидан тайёрланган тавсияларга риоя этилиши ҳам мониторинг жараёнида ўрганилади.

Жорий йилги миллий мониторинг 25 сентябрдан 31 октябргача давом этади. Жараёнда аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилади. Мониторинг юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссиясига ахборот бериб борилади.

Бу йилги мониторинг ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига аъзо фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия ҳамда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг мажлис баённалари, тавсиялар, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқлаган чоратадбирларга асосан ўтказилади.

Мониторингни йўлга қўйиш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан ҳудудий мониторинг гуруҳлари тузилиб, улар таркибига тармоқ касаба уюшмалари республика кенгашларининг масъул ходимлари, федерациянинг ҳудудий кенгашлари меҳнат техник инспекторлари, шунингдек, келишилган ҳолда Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг жойлардаги аъзо ташкилотлари вакиллари киритилди. Тадбир самарадорлигини ошириш мақсадида ишчи гуруҳлар таркибидаги мутахассислар мониторинг жараёнида фойдаланиши учун махсус кийим-кечак ва ҳудудий гуруҳлар раҳбарлари интернет тармоғига уланган планшетлар билан таъминланди.

> **Миллий мониторингни сифатли ўтказиш мақсадида унинг услубияти, “Мониторинг гуруҳларининг жойларда ҳаракатланиш кетма-кетлиги”, “Мониторингда интервью олиш саволномаси”, “Пахта йиғим-терими иштирокчилари учун яратилган шарт-шароитларни баҳолаш бўйича саволнома” ва ахборот бериш шакллари ишлаб чиқилиб, мониторинг гуруҳларига тақдим этилди.**

Миллий мониторингни сифатли ўтказиш мақсадида унинг услубияти, “Мониторинг гуруҳларининг жойларда ҳаракатланиш кетма-кетлиги”, “Мониторингда интервью олиш саволномаси”, “Пахта йиғим-терими иштирокчилари учун яратилган шарт-шароитларни баҳолаш бўйича саволнома” ва ахборот бериш шакллари ишлаб чиқилиб, мониторинг гуруҳларига тақдим этилди.

Брифингда миллий мониторинг жараёнида пахта тераётгани аниқланган вояга етмаганларни зудлик билан даладан олиб чиқиш ва ўқув муассасаси ёки уйига қайтариш чоралари кўрилиши, бу ҳақда далолатнома тузилиб, айбдорларга нисбатан чора кўриш учун меҳнат инспекциясига юборилиши қайд этилди. Мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолатлари аниқланган ҳолда эса зудлик билан касаба уюшмалари инспектори томонидан вазият ўрганилиши ҳамда далолатнома тузилиб, мажбурий меҳнатга жалб қилинганларни иш жойига қайтариш чораси кўрилиши, шу билан бирга, ҳудудий “Қайта алоқа механизми” вакилларига ҳам хабар берилиши маълум қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тизимида ходимлар меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган “Қайта алоқа механизми” ташкил этилган. Бу мавсум давомида узлуксиз ишлайди. Бунинг учун федерация юридик клиникаси ва ҳудудлардаги филиалларида касаба уюшмалари вакилларининг доимий навбатчилиги ташкил қилинган. Келиб тушган мурожаатларни тезкор кўриб чиқиш мақсадида 10-92 қисқа рақамли “ишонч телефони”, интернет сайтлари, телеграм ижтимоий тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланилади.

Бу ҳақда касаба уюшмалари томонидан махсус баннерлар тайёрланиб, барча ҳудудларда ўрнатилмоқда. Корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда одам гавжум жойларга эса кўплаб постерлар жойлаштирилди ва меҳнаткашлар ҳамда аҳоли вакилларига флаерлар тарқатилмоқда.

Миллий мониторинг жараёнида Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги ва “Шахсий маълумотлар тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти билан келишилган мониторинг услубияти талабларига мувофиқ, ўрганиш натижаларини ошкор этмаслик тамойилига амал қилинади. Мониторинг якунлари тўғрисида жорий йил декабрда ўтказиладиган давра суҳбатида батафсил маълумот берилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Буюк ўзбек йўли

ЎЗБЕКИСТОН — БМТ:

КЎП ТОМОНЛАМА ДИПЛОМАТИЯ ЯНГИ БОСҚИЧДА



Акмал САИДОВ,
БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг аъзоси

Бошланиши 1-бетда

БМТнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси сифатида Ўзбекистон тенглик, ҳамкорлик, кўп томонламалик ва халқаро сиёсий тизимни ҳимоя қилиш принципларига сўзсиз риоя этишини кўрсатмоқда. Сўнгги вақтларда халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, янги глобал қуролли тўқнашувларнинг олдини олиш, мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, глобал мулоқот ва ҳаракатлар, бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби ғояларни фаол илгари сурмоқда.

Бундан 32 йил илгари — 1993 йил 24 октябрда Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилгани Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги муносабатлар тарихида бурилиш нуқтасига айланди. Натижада БМТ тизимидаги 25 та агентлик ва жамғарма, жумладан, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЖССТ ва бошқа ташкилотлар бугун мамлакатимизда фаолият юритмоқда.

Ўзбекистоннинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналари Нью-Йорк (АҚШ), Женева (Швейцария) шаҳарларидаги БМТ бўлимлари ҳузурида, бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхонамиз Вена шаҳридаги (Австрия) БМТ бўлимида фаолият юритади.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси шиддат билан ўзгараётган мураккаб глобал вазиятда ўтаётгани, бу, ўз навбатида, мазкур халқаро ташкилот фаолияти ва келажагига янгича ёндашувлар билан қарашга чорлаётганига эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, ҳозир дунёда халқаро институтларнинг ўрни ва роли заифлашмоқда, қарама-қаршилик, низо ва урушлар кучаймоқда, технологик ва ижтимоий тенгсизлик кескин ошмоқда, иқтисодий ва гуманитар инқирозлар ортиб бормоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг энг оғир ва ўткир глобал масалаларни муроса билан ҳал этиш учун ташкилотни асосий платформа сифатида сақлаб қолишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

БМТ Бош котиби 2025 йил мартда **“БМТ — 80” ташаббуси** билан чиқди. Айни ташаббус ташкилот фаолиятини тубдан ўзгартириш — самарадорликни ошириш имкониятларини аниқлаш, ваколатларни бажариш тартибини қайта кўриб чиқиш ва БМТ тизимидаги эҳтимолий таркибий ўзгаришлар ҳамда дастурларни қайта тузишга қаратилган.

ЎЗБЕКИСТОН “БМТ — 80” ТАШАББУСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Янги Ўзбекистон Бош котибнинг халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, БМТ ва асосий институтларини замонавий воқеликка мослаштириш мақсадида ислоҳ қилиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Бу борада “БМТ — 80” ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз, Келажак учун пактга қатъий содиқлигимизни тасдиқлаймиз. Биз замонавий хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, ривожланаётган давлатларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашини трансформация қилиш ва унинг таркибини кенгайтириш тарафдоримиз”.**

Сўнгги йилларда БМТ билан ҳамкорлик бемисл даражага кўтарилиб, **160 та қўшма дастур ва лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда.** Жорий йилнинг ўзида ташкилотнинг асосий тузилма ва институтлари, жумладан, БМТ-Хабитат ва ЮНИСЕФ раҳбарлари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Тошкентда “БМТ — Аёллар” тузилмаси ваколатхонаси очилди.

БМТнинг фуқаросизликни бартараф этиш бўйича тавсияларига мувофиқ тарихий ютуқларга эришилди. 1991 йилдан 2016 йилгача бор-йўғи 482 киши Ўзбекистон фуқаролигини олган бўлса, **2017 йилдан 2024 йилгача 80 мингдан ортиқ киши Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлди.** Бу мамлакатимиздаги инсонпарвар сиёсат жамиятнинг ҳамма қатламини қамраб олиш ва инсон қадр-қимматини том маънода ҳурмат қилишга қаратилганини яққол намоён этади.

Бугун БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)ни рўёбга чиқариш, рақамли трансформацияни ривожлантириш, давлат хизматларини кўрсатишда инновацион ечимларни жорий этиш, давлат бошқаруви институтлари самарадорлигини тубдан ошириш бўйича илғор халқаро тажриба алмашиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз БРМнинг Глобал индекси бўйича энг илғор беш давлат қаторига кирди. БРМга эришиш доирасида БМТ билан ҳамкорликнинг янги беш йиллик дастурини имзолаш кутилмоқда. Давлат хизмати масалалари бўйича форум биргаликда ўтказилди. Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси 43-сессиясига фаол тайёргарлик кўрилмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Биз Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг ҳолда, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини олиб бормоқдамиз. Бунинг учун ортга қайтмас ислоҳотларимизни изчил давом эттиряпмиз. Устувор мақсадимиз — мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадри ва фаровонлигини оширишдир”.**

БМТ: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШАББУСЛАРИ

Ўзбекистон Президенти бунга қадар — 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида, 2020 йилда видеоконференция шаклида ташкил этилган 75-юбилей сессиясида, 2021 йилда Бош Ассамблеянинг 76-сессиясида ва 2023 йилда 78-сессияда нутқ сўзлаган. Ушбу сессияларда давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, таълим, маънавият, экология, туризмни янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа соҳалардаги **40 дан ортиқ халқаро ташаббусини илгари сурди.**

Эътибор беринг: Президентимиз бундан 5 йил олдин БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Бош Ассамблея тарихида илк маротаба **ўзбек тилида нутқ сўзлади.** Бундан саккиз йил олдин эса давлатимиз раҳбарининг БМТ бош минбаридаги дастлабки нутқида буюк аллома аждодимиз **Имом Бухорий ҳазратларининг муборак номи** халқаро ҳамжамиятнинг ушбу нуфузли анжуманида тарихда **биринчи бор баралла янграганди.**

Мамлакатимиз БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида унинг мақсад ва ваколатларига қатъий риоя этади. Ўзбекистон ўз овозини ва мақомидан фойдаланиб, Бош Ассамблеянинг 80-юбилей сессиясида ҳам ташкилот фаолиятининг турли соҳаларига доир ўта муҳим ва долзарб янги ташаббусларни илгари сурди. Хусусан:

— биринчи ташаббус — педагогларнинг ўзаро тажриба ва билим алмашиши учун ягона халқаро платформани яратиш мақсадида **Ўзбекистонда Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш;**

— иккинчи ташаббус — мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг ролини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш мақсад қилинганидан келиб чиқиб, **минтақамиз миқёсида Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириб, мунтазам ўтказиб бориш;**

— учинчи ташаббус — ЭКОСОС ва ЮНКТАД шафелигида **Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий тараққиёти масалаларига бағишланган халқаро форум ўтказиш;**

тўртинчи ташаббус — ЮНИДО билан **саноатда “яшил” технологиялар минтақавий хабини ташкил этиш;**

— бешинчи ташаббус — минтақамизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, “яшил” макон барпо этиш ҳамда демографик барқарорликка эришиш бўйича дастурлар қабул қилиш;

— олтинчи ташаббус — БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий шериклик ва иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир резолюциясини қабул қилиш;

— еттинчи ташаббус — Афғонистон орқали халқаро транспорт ва энергетика коридорларини ривожлантириш бўйича БМТнинг алоҳида резолюциясини қабул қилиш;

— саккизинчи ташаббус — БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси билан ҳамкорликда тузилган **Реабилитация ва қайта интеграция масалалари бўйича минтақавий кенгашни Халқаро компетенциялар марказига айлантириш;**

— тўққизинчи ташаббус — Терроризмга қарши кураш бошқармасининг минтақавий офисини Ўзбекистонда очиш;

— ўнинчи ташаббус — халқаро транзит коридорларининг хавфсизлигини таъминлаш ва самарали логистика занжирларини яратиш борасида **“Барқарор ривожланиш мақсадлари учун ўзаро транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш” глобал механизмини жорий этиш;**

— ўн биринчи ташаббус — экологик ўзгаришларнинг яна бир салбий кўриниши — иқлим миграцияси кучайиб бораётган шароитда ушбу йўналишда аниқ халқаро механизмлар ва ҳуқуқий база ҳанузгача яратилмаганини ҳисобга олиб, бу жиддий масалада кенг халқаро шериклик ва мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш бўйича **Глобал пакт қабул қилиш;**

— ўн иккинчи ташаббус — соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида сунъий интеллектнинг амалий ечимлари ва моделларини бегараз алмашишга қаратилган **Халқаро ҳамкорлик механизмини яратиш;**

— ўн учинчи ташаббус — “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш таклиф этилди.

КЎП ТОМОНЛАМА ДИПЛОМАТИЯ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ва БМТ муносабатлари тарихида янги саҳифа очди. Кейинги йилларда бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг халқаро эътирофи **Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 13 та резолюцияси** қабул қилинганида намоён бўлди.

Жумладан, қисқа муддатда **“Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш”, “Маърифат ва диний бағрикенглик”, “Барқарор туризм ва Марказий Осиёда барқарор тараққиёт”, “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш” резолюциялари қабул қилингани фикримизни тасдиқлайди.** 2025 йилнинг ўзида мамлакатимиз Бош Ассамблеянинг 79-сессияси давомида қабул қилинган **3 та резолюциянинг ташаббускори ва ҳаммуаллифи** бўлди.

Янги Ўзбекистон фаол равишда БМТнинг органларига ўз номзодини илгари сурмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимиз:

— БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши (2021-2023);

— ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитаси (2022-2026);

— Иқтисодий ва ижтимоий кенгашнинг Ривожланиш мақсадларида фан ва технологиялар масалалари бўйича комиссияси (2025-2027);

— Халқаро меҳнат ташкилотининг маъмурий кенгаши (2024-2027);

— БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси (2025-2028);

— БМТ Статистика комиссияси (2026-2029) таркибига сайланди.

Тошкентнинг узоқ муддатли мақсади 2035-2036 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашига муваққат аъзо сифатида сайланишдир.

Мамлакатимиз БМТ ва қатор ихтисослаштирилган муассасалари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилот, Жаҳон озиқ-овқат ташкилоти, Жаҳон банки, МАГАТЭ ва бошқа халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этмоқда.

Турли йилларда Ўзбекистонга БМТнинг 3 нафар Бош котиби — Кофи Аннан, Пан Ги Мун, 2017 йили — амалдаги Бош котиб Антониу Гутерриш ташриф буюрган. Шунингдек, БМТнинг 2 Бош комиссари — 2017 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар Зайд ал-Ҳусайн ва 2023 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар Фолькер Тюрк мамлакатимизга ташриф буюрганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон БМТнинг махсус процедуралари билан ўзаро ҳамкорлик борасида ҳам сезиларли ютуқларга эришди. Мамлакатимизга БМТнинг махсус 4 маърузачиси, жумладан, 2019 йил сентябрда БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян, 2021 йил сентябрда БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид, 2021 йил декабрда БМТнинг Терроризмга қарши кураш шароитида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш масалалари бўйича махсус маърузачиси Фионнуала Ни Аолайн, 2024 йил августда БМТнинг Муносиб турар жой масалалари бўйича махсус маърузачиси Балакришнан Раджагопал ташриф буюрган.

БМТ билан ҳамкорликда юртимизда бир қанча халқаро конференция ва форумлар ўтказилди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари йўлга қўйилди. Бу, айниқса, ғоят катта аҳамиятга эга ташаббус бўлди. Чунки минтақамизда тубдан янги геосиёсий муҳит қарор топишини бошлаб берди. Натижада чегара, сув ва ҳоказо омиллар билан боғлиқ муаммолар тезда ижобий ечим топди.

Шунингдек, **Оролбўйи минтақаси** учун инсон хавфсизлиги бўйича **кўп шериклик траст фонди** тузилди. БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида Пандемия давридаги давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари халқаро кодекси тасдиқланди. Унда ҳар бир давлатнинг фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари акс этиши кераклиги белгиланган.

Жорий йилда жаҳон ҳамжамияти БМТ ташкил топганининг 80 йиллигини, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи мажбурий юридик шартнома — **Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қабул қилинганининг 60 йиллигини,** замонавий ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг гендер мезонини бошлаб берган **Аёлларга нисбатан Пекин платформаси ва Ҳаракатлар дастурининг 30 йиллигини** нишонламоқда. Мамлакатимизда ушбу саналар бўйича фуқаролик жамияти институтлари ва таълим муассасаларини жалб этган ҳолда кенг қамровли тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида инсон ҳуқуқлари бўйича мамлакатни сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий модернизация қилишга доир ислоҳотлар марказий ўрин эгаллайди. Бинобарин, Ўзбекистон **“БМТнинг инсон манфаатлари йўлида саъй-ҳаракатга даъвати”**ни қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига БМТ билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Бугун мамлакатимизда демократиянинг замонавий ва инсон ҳуқуқлари мезонларига жавоб берадиган барқарор сиёсий тизими барпо этилган. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлар ва барча даражадаги суд ҳокимияти фаол ишламоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 19-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг инсон ҳуқуқларига бағишланган 100 дан ортиқ халқаро ҳужжатдан 80 дан зиёдини ратификация қилди. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга 2 та факультатив протокол, Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги конвенция, Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, мазкур конвенцияга 2 та факультатив протокол, Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатлар шулар жумласидан.

Янги Ўзбекистонда Конституция ва мамлакат қонунларига ҳурмат туйғуси кучаймоқда, “Инсон шаъни ва қадр-қиммати йўлида” устувор принципи ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда. Ўзбекистон БМТ тузилмалари, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан инсон ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган шартномаларнинг бажарилиши бўйича **БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарига 50 дан ортиқ миллий маъруза ўз вақтида тақдим этилиши таъминланди.**

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий таълим самарадорлигини ошириш, шунингдек, **БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга оид Жаҳон дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифалар**ни бажариш бўйича ишлар фаол давом эттирилмоқда. Шу мақсадда **Янги Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим миллий дастури** изчил амалга оширилмоқда.

Яна бир муҳим тадбир: 2024 йил июнда Самарқанд шаҳрида ўтказилган **Инсон ҳуқуқлари бўйича тўртинчи форум** “Экологик таҳдидлар: ўзгараётган дунёда инсон ҳуқуқларининг истиқболи ва барқарор ечимларни излаш” мавзусига бағишланди. Ўзбекистон Президентининг форум иштирокчиларига йўллаган табригида 2018 йилда ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми жаҳон амалиётига ўзига хос **“Самарқанд руҳи”**ни олиб киргани таъкидланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ва унинг махсус тартиб-таомиллари билан фаол ҳамкорлик давом этмоқда. Ўзбекистон БМТнинг турли органлари тавсиялари асосида **еттита миллий ҳаракат режасини амалга оширмоқда.** Булар, жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисидаги 1325-сонли резолюциясини амалга ошириш; аёлларга нисбатан камситишларга қарши курашиш; иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар; ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари; Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар тавсияларини амалга ошириш; терроризмга қарши курашиш ва бола ҳуқуқлари бўйича режалардир.

Ўзбекистон билан БМТ ўртасида бундай самарали ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланаётгани бежиз эмас. Зеро, бугунги мураккаб шароитларда, миқёсига кўра мисли кўрилмаган қуролли зиддиятлар ҳамда халқаро тинчлик ва барқарорликка ошиб бораётган таҳдид саҳнида тинчлик ва хавфсизликни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида аъзо давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни мақсад қилган универсал халқаро тузилма сифатида БМТнинг роли ва масъулияти жуда муҳим.

Президентимиз БМТ минбаридаги нутқи якунида эътироф этганидек, **“Янги Ўзбекистон барча давлатлар билан ўзаро ҳамжиҳатлик, очиқ мулоқот ва яқин шериклик тарафдоридир. Биз халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, умумбашарий мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида ўз ҳиссамизни қўшишга доим тайёрмиз”.**

> **Ўзбекистон Президенти бунга қадар — 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида, 2020 йилда видеоконференция шаклида ташкил этилган 75-юбилей сессиясида, 2021 йилда Бош Ассамблеянинг 76-сессиясида ва 2023 йилда 78-сессияда нутқ сўзлаган. Ушбу сессияларда давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, таълим, маънавият, экология, туризмни янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа соҳалардаги 40 дан ортиқ халқаро ташаббусини илгари сурди.**



> **Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий таълим самарадорлигини ошириш, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга оид Жаҳон дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ишлар фаол давом эттирилмоқда. Шу мақсадда Янги Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим миллий дастури изчил амалга оширилмоқда.**

> **Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп шериклик траст фонди тузилди. БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида Пандемия давридаги давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари халқаро кодекси тасдиқланди. Унда ҳар бир давлатнинг фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари акс этиши кераклиги белгиланган.**





Халқаро форум

Долзарб мавзу

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ: ТАҲЛИЛ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР





Убайдулла МИНГБОЕВ,
Ўзбекистон судьялар ассоциацияси раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Узоқ йиллик суд-ҳуқуқ соҳаси вакили ҳамда ҳаётий тажрибага эга инсон сифатида ишонч билан айтишим мумкинки, коррупциялашган жамиятда фаровонлик, давлатда ривожланиш, ўзаро олди-бердиларда иштирок этган одамлар ҳаётида эса ҳаловат, рўзғорида барака бўлмайди. Ярим асрдан ортиқ давом этаётган фаолиятим ва шахсий кузатувларимга кўра, коррупцияга қарши кураш комплекс ёндашувни талаб этади. Яъни унга қарши давлат ва жамият бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда курашмас экан, кутилган самарага эришиб бўлмайди. Соддароқ айтганда, ваколатли органлар назорат ва тарғиботни кучайтиргани билан жамиятда бу ишлар “кўздан панада” давом этса ёки аксинча, бутун жамият коррупцияга нисбатан тоқатсиз бўлгани ҳолда давлат бунга эътиборсиз бўлса, уни батамом енгиш, таг-томири билан қуритиш имконсиз бўлиб қолаверади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш масаласига комплекс ёндашилаётир. Хусусан, жорий йил 5 март куни Президентимиз раислигида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган кенгайтирилган йиғилиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Зеро, унда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга баҳо берилиб, келгуси устувор вазифалар белгиланган эди.

Мазкур йиғилишда берилган топшириқлардан келиб чиқиб, жойларда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишлар таҳлили, муаммо ва ечимларига қаратилган семинарлар ўтказиб боряпмиз.

Аслида, коррупция жуда мураккаб ижтимоий-иқтисодий-сиёсий ҳодисадир. Шу боис, барчамиз коррупциявий ҳолатларга энг хавфли иллат сифатида қарашимиз, ундан ҳазар қилишимиз, лозим даражада батамом қутулишга уринишимиз шарт. Давлатимиз раҳбари ҳам коррупция ислоҳотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини таъкидлаб, **“Бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қараши керак”,** деган ҳақли эътирофни билдирган эди. Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида **давлат хизматига профессионал кадрларни танлаш ҳамда уларни “ҳалоллик вакцинаси”** билан эмлаш зарурлиги қайд этилганди.

Ҳар бир соҳада товламачилик, фирибгарлик, тамагирлик ва порахўрлик йўли билан ноқонуний бойлик орттиришга уринишлар бўлиб туради. Ҳар биримиз қайси касб ёки лавозимда ишлашимиздан қатъи назар, шарафли касбимиз, пок виждонимизга содиқ ҳолда ваколатимизни беғараз амалга оширсак, бу ёндашув бутун жамият бўйлаб ёйилса, албатта, ушбу иллатга батамом нуқта қўйган бўламиз.

Амалдаги қонунчиликка кўра, давлат хизматчисининг ўз мавқеидан фойдаланган ҳолда муайян ишни маблағ эвазига қонунга хилоф равишда кимнингдир манфаатини кўзлаб амалга ошириши коррупциявий ҳолат деб баҳоланади. Жиноят саналадиган бу қилмишни, назаримда, қонунни мансимайдиган, нафсини тия олмайдиган, тарбияси саёз, маънавияти паст ва ожиз кишилар амалга оширади.

Вилоятларда ўтказилаётган семинарларда масаланинг шу жиҳатларига ҳам эътибор қаратяпмиз. Таҳлиллардан кўринишича, жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судлари томонидан коррупция билан боғлиқ ишлар соҳалар кесимида атрофлича таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилган. Таълим, соғлиқни сақлаш, кадастр ва бошқа ижтимоий соҳаларда коррупцион схемалар кўпайгани, ҳаттоки айрим ҳоким ёрдамчиларининг бу масалада судлангани ачинарли ҳол.

Ўрни келганда айтишни истардимки, Ўзбекистон судьялар ассоциацияси суд тизимида содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий жиноятларга қарши курашиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш борасида тегишли чораларни кўряпти. Соҳа оқсоқолларидан бири, кўп йиллик амалиётчи сифатида шахсан ўзим судьялар ва соҳа ходимларига тўрт маротаба мурожаат қилдим. Ушбу мурожаатларнинг сўнггиси Олий суд ташаббуси билан китоб ҳолида нашр этилиб, барча судьяларга тарқатилди.

Гап барча соҳа ва тармоқлар, жамиятимизда коррупцияга батамом барҳам бериш ҳақида борар экан, бир таклифни илгари сурмоқчиман. Баъзи ҳолларда суд амалиётида пора берувчи ёки пора беришга қизиқтирувчи ёхуд пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсларнинг хатти-ҳаракатларига етарли ҳуқуқий баҳо берилмаслигини кузатамиз. Айтайлик, пора берувчининг талаби бажарилмади ёки тўлиқ таъминланмади. Бундай ҳолатда агар пора берган шахс ўттиз сутка ичида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга арз қилса, унинг жавобгарликдан озод қилиниши қонунчиликда кўрсатилган. Назаримда, қонунчиликдаги ушбу қоидани ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Чунки муайян шахс порани бериб қўйиб, кейин қайсидир фикрда ўз манфаати учун қонуннинг ушбу имкониятидан фойдаланиши ҳам мумкин. Шунинг учун пора берувчилар ҳам юқоридагидек вазиятда жавобгарликдан қутулиб қолмаслигини англаб етиб, қонун талабига итоат этадиган бўлади.

Шу ўринда Президентимизнинг жорий йил 19 сентябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига тўхталиб ўтмоқчиман. Негаки ушбу қарор айни йўналишдаги ислоҳотларни тизимли давом эттиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиб бергани билан аҳамиятлидир.

Жумладан, қарорга мувофиқ, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қоидалари бажарилишини мониторинг қилишга нодавлат нотижорат ташкилотлар жалб этилиб, улар томонидан муқобил баҳолаш тизими йўлга қўйилади.



Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳар йили 1 апрелгача Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига ННТларнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги лойиҳалари ва уларни тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан молиялаштириш юзасидан таклифлар ҳамда коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, жумладан, улар томонидан амалга оширилган лойиҳа, тадқиқот ва ўрганишлар тўғрисида ахборот киритиб боради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, “Юксалиш” ҳаракати ва “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг улар муассислигида “Коррупцияга қарши курашиш муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот маркази” нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилади. Аҳоли, айниқса, ёшлар, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини ошириш, жамиятда ушбу иллатга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш масалаларини тадқиқ этиш ушбу марказнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, товламачилик, фирибгарлик, тамагирлик каби қинғир йўллар билан ноқонуний бойлик орттиришга уринишлар, қолаверса, бу борада техник тараққиёт билан боғлиқ “янги имкониятлар” бор экан, унга қарши кураш давом этаверади. Муҳими, Президентимиз ва бугунги даврнинг ўзи олдимизга қўяётган талаб — жамиятимизда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муҳитни шакллантиришимиз шарт.

Порахўрликка ружу қўйган шахсларнинг нафақат оиласи барбод бўлади, балки унинг қилмиши туфайли қариндош-уруғлари, маҳалла-кўй олдида обрўсига путур етади, шу билан бирга, ишлаб турган соҳасига таъсир кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, жонажон Ўзбекистонимиз равнақи ва буюк келажагини барпо этиш, юртимизда қонун устуворлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш ҳамда коррупциядан холи адолатли жамият қуриш йўлидаги ислоҳотлардан четда турмасак, барчамиз имконимиз қадар коррупцияни жиловлашга ҳисса қўшсак, кўзланган катта мақсадларимизга албатта эришамиз.

ЯРАТИЛАЁТГАН ШАРОИТ ВА ПУХТА РЕЖА

ОДАМЛАРНИ ДОИМИЙ ИШ ҲАМДА ДАРОМАД БИЛАН ТАЪМИНЛАМОҚДА

“Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форумида Ўзбекистон Президенти дунёда кузатилаётган геосиёсий, ижтимоий беқарорлик, иқлим ўзгаришлари таъсирида глобал иқтисодий ўсиш секинлашгани, оқибатда камбағал аҳоли сони ошганига эътибор қаратди. Бу ҳолат барча давлатлар, халқаро ташкилотлар, умуман, дунё ҳамжамияти олдига янги ва долзарб вазифаларни қўяётгани таъкидланди.



Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Ана шундай мураккаб даврда мамлакатимизда камбағалликка қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ва пировардида катта натижаларга эришилаётгани таҳсинга сазовор.

Жумладан, халқаро ташкилотлар мутахассислари камбағалликни қисқартиришни аҳолининг муайян тоифаси камбағаллик даражасига тушиб қолишининг олдини олишдан бошлаш лозимлигига эътибор қаратади. Шунга ҳамоҳанг тарзда янги таҳрирдаги Конституциямизда пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдам миқдори расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларга ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун шароит яратиш ва имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) томонидан камбағаллик даражасига оид мезонлар тавсия этилган. Жумладан, камбағаллик даражаси муайян ёшдаги аҳоли гуруҳи даромадлари уй хўжаликлари ўртача даромадининг ярмидан кам бўлган чегарадан паст бўлиши билан изоҳланади. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш йўналишидаги изчил ислоҳотлар туфайли 7,5 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, 2024 йилда бу кўрсаткич 8,9 фоизга туширилди. Йил якунигача камбағаллик даражасини 6 фоизгача камайтириш мақсад қилинган.

Халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ камбағаллик чегарасини асосий товар ва хизматлар учун зарур бўлган даромадлар сифатида белгилайди. Ҳар бир давлатнинг умумий фаровонлик кўрсаткичи камбағаллик даражаси мезонлари ва уни қисқартириш учун юритилаётган ижтимоий сиёсатга боғлиқ. Жаҳон амалиётида камбағалликни ҳисоблашнинг учта, яъни мутлақ, нисбий ва субъектив концепцияси кенг тарқалган. Ушбу концепциялар бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бири иккинчисини тўлдиради. Ўзбекистон айни йўналишдаги янги ташаббус ва тажрибаларни синовдан ўтказиб, дунёдаги ижобий ютуқларни ўрганиб, камбағалликни қисқартириш бўйича янги Ўзбекистон моделини яратди.

Бунда, аввало, манзилли ижтимоий дафтарлар жорий этилиб, барча эҳтиёжманд оилалар қамраб олинди. Пандемия даврида бепул дори-дармон, ижтимоий нафақалар учун 8 миллиард долларлик маблағ ва имтиёзлар берилди. Натижада 5 миллион 200 минг одамнинг “камбағаллик қопқони”га тушиб қолиши ҳамда иқтисодий рецессиянинг олди олинди. Жамиятнинг энг қуйи бўғинигача тушиб, “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилди. Ҳар бир хонадон, оила билан индивидуал режа асосида ишлаб, даромадини ошириш учун етарли ресурс ажратилди.

Инсон камолоти индекси бир йил давомида ялпи миллий даромаднинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуши, аҳолининг саводхонлик даражаси, узоқ умр кўриш давомийлигини баҳолайдиган кўрсаткич ҳисобланади. Индексда 3 та асосий омил — узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, билим олиш ва муносиб турмуш даражаси ҳисобга олинади.

Турмуш даражаси номинал ва реал ўртача иш ҳақи даражаси, пенсия ва нафақанинг энг кам миқдори, ўртача ва реал пенсия миқдори, аҳоли жон бошига ўртача ва реал даромадлар табақаланиш кўрсаткичлари, турмуш кечиришнинг энг кам миқдори ҳамда турмуш кечириш учун энг паст даромадга эга аҳоли салмоғи билан белгиланади. Таълим даражаси эса мамлакат таълим тизимидаги учта асосий кўрсаткични ўз ичига олади: ўқув йили давомийлиги, кутилаётган таълим давомийлиги, ўртача таълим давомийлиги. Мазкур кўрсаткичлар аҳоли турмуш даражасига салмоқли таъсир кўрсатади.

Форумда Президентимиз “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи еттита устувор йўналиш хусусида гапирди. Бунда юқорида санаб ўтилган барча жиҳатлар ушбу дастурдан ўрин олгани ва муваффақиятли амалга оширилаётганини кўриш мумкин.

Энг аввало, камбағал аҳолини шунчаки ишга жойлаштириш эмас, балки доимий иш ўринларини кўпайтириб, одамлар барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шароит яратилмоқда. Фаол инвестиция сиёсати туфайли шу йилнинг ўзида 35 миллиард доллар сармоя эвазига 9 мингдан ортиқ янги корхона, 300 мингга яқин юқори даромадли иш ўрни ташкил этилмоқда. Давлат бизнесга шароит яратиб беряпти, тадбиркорлар эса ўзига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд аҳолини ишли ва даромадли қилишда кўмакчи бўлмоқда. Шундай самарали ҳамкорлик туфайли жорий йилнинг ўзида 270 мингдан зиёд камбағал оила аъзоси доимий ишли бўлган.

Иккинчидан, сифатли таълим инсон капиталини ривожлантириш, узоқ муддатли истиқболда камбағалликни қисқартиришнинг асосий драйвери бўлиб қолади. Хусусан, камбағал оила болаларини мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олиш учун барча шароит яратилади. Бундай оилалар фарзандлари учун хорижий





тил ва касб-ҳунар ўрганишга кетадиган харажатларнинг 80 фоизи қоплаб берилади.

Сўнгги беш йилда 800 мингдан зиёд аҳоли замонавий касбларга ўқитилиб, юқори даромадли ишларга жойлаштирилган. Энди касбга тайёрлаш халқаро марказлари ташкил этилиб, уларнинг битирувчиларига хорижда тан олинадиган сертификатлар бериш йўлга қўйилади.

Учинчидан, хотин-қизларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш алоҳида эътиборда бўлади. Шу боис, талаба қизларга фоизсиз кредит ажратиш, магистратурада бепул таълим олиш имконияти яратилди. Бугун талабаларнинг 53 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Шу йилнинг ўзида 1 миллион 700 минг аёл ишли бўлган.

Буни давом эттириб, “Рақамли авлод қизлари” дастури доирасида 50 минг қиз ахборот технологиялари, финтех ва сунъий интеллектга ўқитилади. Жорий йил аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 1,5 миллиард доллар ажратилди. Келаси йили яна 2 миллион аёлни доимий даромадли қилиш чоралари кўрилади.

Тўртинчидан, инсон саломатлиги муҳофаза қилиниб, имкониятлари тўлақонли юзага чиқарилмоқда. Жумладан, 140 минг камбағал оилага шифокор бириктирилиб, улар йилига бир марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Энди кафолатланган тиббий хизматлар кўпайтирилиб, камбағал оилаларнинг бунга сарф қиладиган харажати 2 карра қисқартирилади. Бунда уларга бепул дори ва кафолатланган тиббий хизматлар пакети тақдим этилади.

Бешинчидан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли билан манзилли ишлаш йўлга қўйилди. Мазкур тизим тубдан ислоҳ қилиниб, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Ҳар бир туман ва шаҳарда 100 дан ортиқ ижтимоий хизматни “бир дарча” тамойили асосида кўрсатадиган “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари очилди. Ҳар бир маҳаллада ижтимоий ходим аҳоли билан проактив ишламоқда. Шу йилнинг ўзида 2 миллион 700 минг аҳолига ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилди. Айниқса, камбағал оилаларнинг парваришга муҳтож аъзоларига янги ижтимоий хизматлар йўлга қўйилгани меҳнатга лаёқатли 50 минг аҳоли учун ишлаш имконини яратди.

Ижтимоий хизматлар сифати ва қамровини ошириш мақсадида Жаҳон банки билан 100 миллион долларлик лойиҳа бошланди. Имконияти чекланган болаларни мактаб ва касбий таълим билан қамраб олиш учун алоҳида дастурлар белгиланган. Шунингдек, тирикчилик воситаларидан маҳрумлик, тенгсизлик, маданий, эксплуатация кўринишидаги ҳамда таркибий камбағалликка қарши курашиш борасида кишиларнинг иқтисодий тафаккури ва иқтисодий тарбиясини ўзгартиришга эришиш борасида ҳам тизимли ишлар қилинмоқда.

Олтинчидан, ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш, одамларга яшаш учун қулай шароит яратиш кўп ўлчовли камбағалликни қисқартиришда муҳим қадам бўлади. Шу мақсадда қарийб 3,5 миллион аҳоли яшайдиган шароити оғир мингта маҳаллада инфратузилма яхшиланмоқда.

Келаси йил маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга яна 400 миллион доллар ажратилади. Бунда 32 та туман ва 328 та оғир маҳалла танланиб, уларни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади. Уй-жойга муҳтож ва даромади паст аҳолига ипотека тизимидан фойдаланиш учун ҳар йили 200 миллион доллар субсидия ажратилади.

Еттинчидан, давлат харажатларининг 70 фоиздан ортиғи айнан Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун сарфланмоқда. Шу билан бирга, глобал миқёсда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ривожланаётган давлатларга йилига 4 триллион доллардан зиёд маблағ зарур. Бундай шароитда хавф-хатарларни объектив баҳолаш, молиявий ресурсларни жалб қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича “камбағалликка қарши курашнинг янги молиявий архитектураси”га эҳтиёж сезилмоқда.

Форумда халқаро молия институтлари вакиллари Ўзбекистоннинг камбағалликни қисқартириш борасидаги тажрибасидан бошқа давлатлар ҳам ўрнак олиши мумкинлигини таъкидлади. Хорижий давлатларнинг камбағаллик муаммоси таҳлили кўрсатадики, бир мамлакатнинг камбағалликни қисқартириш услубини бошқа давлатга механик тўлиқ кўчириб олиб келиш ва фойдаланиш ижобий самара бермайди. Чунки иқтисодий ривожланишдаги тафовутлар, турлича ижтимоий-иқтисодий тизимлар, урф-одатлар, миллий анъана ва малакавий кўникмалар бунга имкон бермайди. Лекин хорижлик мутахассислар Ўзбекистон тажрибасини тизимлаштириб, камбағалликка қарши курашаётган бошқа давлатларга татбиқ этиш имкониятини яратиш заруратини таъкидлади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур форум Ўзбекистоннинг камбағалликни қисқартириш борасидаги фаолиятида муҳим босқични белгилаб берди. Энг асосий жиҳатлардан бири — Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш соҳасида глобал етакчи давлат сифатида эътироф этилди.







Эртамиз эгалари



ИЛК РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗЛАРИ

ШУНЧАКИ ВАҚТ ЎТКАЗИШ ЁКИ НАЗОРАТ УЧУН УШЛАБ ТУРУВЧИ МАСКАН ЭМАС

Бугун давлатнинг таълимга алоҳида эътиборини, айниқса, мактабгача таълим тизимидаги ислоҳотлар самарасини энг олис ҳудудлардаги юртдошларимиз ҳам сезяпти. Қишлоқларда хусусий, оилавий нодавлат болалар боғчалари кўпайган бўлсада, яна шундай муассасаларга эҳтиёж сезиляпти. Ваҳоланки, қайси даврда аҳолиси кам, тоғли ҳудудларга автобус боғчалар кириб борган? Яна қайси пайтда тарбиячилар уйма-уй юриб, алоҳида таълимга эҳтиёжмандларга таълим-тарбия берган? Мазкур йўналишда қамров 25-27 фоиз бўлган даврларда кўплаб ота-оналар боғчага фарзандини шунчаки назоратда ушлаб турувчи жой сифатида қараган.



Бугун эса бу борадаги қарашлар бутунлай ўзгарди. Қамровда қарийб 80 фоизга кўтарилишимизда мустаҳкам кўприк вазифасини ўтаётган ислоҳотлар одамларнинг мактабгача таълимга муносабатини ҳам тубдан ўзгартирди. Бу таълим турининг замонавий кўринишлари, қолаверса, Илк ривожланиш марказлари фаолиятининг йўлга қўйилиши мактабгача таълим хизматларидан фойдаланишнинг ажойиб муқобили бўлди. Шу маънода, давлат томонидан молиялаштириладиган ва бошқариладиган бу шакл ўзини оқлаётган тажриба сифатида республикамизнинг барча ҳудудида амалиётга татбиқ этиляпти.

Илк ривожланиш марказлари мактабгача таълимга қамраб олинмаган 3-6 ёшли болалар учун “ўйин гуруҳлари” ва 2-7 ёшли алоҳида таълимга эҳтиёжманд болалар учун “махсус мактабгача таълим хизмати” моделлари асосида иш юритади. Иккинчи модель ногиронлиги бор ёки йўқлигидан қатъи назар, оила, педагоглар, мутахассислар, жамият ва давлатнинг алоҳида эътиборига муҳтож, индивидуал эҳтиёжларга эга болаларга хизмат қилади.

Яқинда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактабда иш бошлаган Илк ривожланиш маркази фаолияти билан танишиб, мактабгача таълимнинг бу шакли билан ҳам кутилган натижага эришиш мумкинлигига гувоҳ бўлдик. Уч-тўрт кунда 20 болани жалб этган марказ хоналари белгиланган тартибда жиҳозланган. Ўқув ва дидактик материаллар етарли. Машғулотлар жараёнини кузатишга келган оналар аввалига бу жойни хусусий боғча бўлса керак деб ўйлаганини айтди. Худди болалар боғчасидагидек шароит яратилгани учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдирилди.

— Ўн кун аввал пойтахтимизнинг Юнусобод, Миробод ва Шайхонтоҳур туманларида Илк ривожланиш марказлари очилди. Уларда фаолият юритиш тартиби юзасидан Урганчдаги Илк ривожланиш марказида бўлиб ўтган республика семинарида қатнашиб, ўзаро фикр алмашдик, иш ўрганиб келдик. Бизга тумандаги 41-мактабда бўш турган хоналар берилди. Педагог ходимлар учун зарур шароит яратиб, биринчи моделни йўлга қўйиб олдик. Уйларга бориш бўйича тумандаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Ҳозирча алоҳида эҳтиёжга эга болалар аниқланмади, — дейди Шайхонтоҳур тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими бош методисти Азиза Каримова. — Агар одамлар марказдан унумли фойдаланиб, фарзандларини 3-4 соат бизга топширса, бола атрофни англайди, анча ривожланади. Уйда ўтирган, чақалоғи бор оналар учун бу, айниқса, яхши имконият. Шунинг учун тумандаги барча мактабгача таълим ташкилотига иш бошлаганимиз, марказга қабул қилаётганимиз ҳақида эълон бердик. Тез орада тарбияланувчиларимиз сони бир неча баробар ортади деб ўйлаймиз.

Методист айтганидек, ҳамма нарсани тез ва осон илғаб, онгида сақлаб қоладиган болалар учун 3-4 соат ҳам манфаатли бўлади. Эрталаб олиб келинган ўғил-қиз ақлий, жисмоний ҳаракатлардан толиқиш сезган пайтда, яъни тушлик вақтида уйида бўлиб, мириқиб ором олади. Марказда эса тушдан кейинги иккинчи навбат бошланади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

“ Марказга болалар давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш тартиби асосида олинади. Бунда камбағал оилалар фарзандларига устунлик берилади. Марказга қабул қилинадиган барча боланинг бошқа давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги навбати сақлаб қолинади. Тарбияланувчиларнинг ота-онасидан тўлов ундирилмайди.

— Бу йил 50 та туман (шаҳар)да Илк ривожланиш марказларини ташкил этиш, 2026-2028 йилларда эса қолган ҳудудларда босқичма-босқич очиш режалаштирилган. Шунга кўра, жорий йилда Қорақалпоғистонда 3 та, Сирдарёда 1 та, Сурхондарёда 2 та, Бухоро, Фарғона, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида 3 тадан, Жиззах, Навоий, Тошкент вилоятларида 4 тадан, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган вилоятларида 5 тадан Илк ривожланиш маркази фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу марказларда ҳудудлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, мактабгача таълимга қамраб олинмаган болаларни, биринчи навбатда, камбағал оилалар реестрига киритилган хонадонлар фарзандларини қамраб олиш назарда тутилган, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Зафар Усанов.

Мутасаддининг айтишича, марказга болалар давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш тартиби асосида олинади. Бунда камбағал оилалар фарзандларига устунлик берилади. Марказга қабул қилинадиган барча боланинг бошқа давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги навбати сақлаб қолинади. Тарбияланувчиларнинг ота-онасидан тўлов ундирилмайди.

“Махсус мактабгача таълим хизмати” модели бўйича бириктирилган педагог ходимлар алоҳида таълим олишга эҳтиёжманд болаларнинг уйига бориб, нафақат уларга, балки ота-оналарига ҳам зарур маслаҳат ва тавсиялар беради. Уларнинг ҳар бир келиши учун йўл харажати қопланади. Ўз навбатида, бу ходимлардан шахсий ривожланиш, таҳлилий ва танқидий фикрлаш, низо ва зиддиятларни ҳал қила олиш, болани ривожлантириш ва тарбиялаш учун муҳит яратиш, ҳар бир ўғил-қизнинг ўзига хослиги, ҳис-туйғулари ва фикрларини қабул қилиш, инклюзив таълимни ташкил этишдаги масъулиятни англатиш, интерфаол методларни қўллаш каби кўникмалар талаб қилинади.

Умуман олганда, механизм пухта ишлаб чиқилган. Тизимли йўлга қўйилаётган Илк ривожланиш марказлари мактабгача таълимга қамраб олинмаган болалар учун янги имконият. Шу маънода, бу моделни жойларда самарали ташкил этиш болажонларнинг барча ҳаётий кўникмалари шаклланишида муҳим ўрин тутади.

ИЖТИМОИЙ ФАОЛ ЁШЛАРНИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРМАЙДИГАН ТИЗИМ

Энди жойларда “Келажак” марказлари ҳам иш бошлайди. Бу ҳақда Президентимизнинг 2025 йил 8 сентябрдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида сўз юритилган. Мақсад — ёшларнинг қобилиятини юзага чиқариш, мактабдан ташқари таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга эришиш. Қарорга биноан, юртимиздаги 219 та “Баркамол авлод” мактаби, “Ёшлик” спорт жамияти, Ўқувчи ёшлар маркази ва Ўзбекистон болалар ташкилоти негизида республика, ҳудуд ва туманларда “Келажак” марказлари ташкил этилади. Улар мактаблар билан узвийликни жонлантириб, ўқувчиларни муҳандислик, илм-фан, маданият, санъат, китобхонлик, спорт ва экология йўналишлари бўйича тўгаракларга жалб қилади. Болаларнинг қизиқиши ва қобилиятидан келиб чиқиб, АТ, чет тиллар ва бошқа йўналишларда ҳам тўгараклар очилиши кўзда тутилган. Бу ёшларнинг кенг қамровли билим олиши ва келажакда рақобатбардош кадрлар бўлиб шаклланишига хизмат қилади. Ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, тўгаракларга тўғри йўналтириш учун ҳар бир мактабда маслаҳатчи вазифаси очиляпти. Гап шундаки, тўгараклар ва олимпиадаларда эришган натижалари бўйича ёшларнинг “рақамли портфолио”си шакллантирилиб, электрон шаҳодатномада кўрсатилади. Бунинг учун эса алоҳида тизим яратиш керак.

Янги марказлар ва мактаб маслаҳатчилари фаолияти ҳақидаги саволлар билан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика “Келажак” маркази директори Индира Холдоровага мурожаат қилдик.

— Одатда қарор қабул қилинган кундан бошлаб фаолиятга киришилади, — дейди марказ директори. — Шу маънода, “Келажак” марказларини ташкил этиш борасидаги ишлар бошланган. Марказларга жалб этиладиган ўқувчилар билан ишловчи мактаб маслаҳатчилигига 30-35 ёшгача бўлган салоҳиятли ёшлар тайинланади. Уларнинг педагог бўлиши ҳар икки томон учун жуда манфаатли. Чунки улар мактаб директорларининг ўқув-тарбиявий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, мактаб психологлари билан ҳамкорликда ишлайди. Президент мактаблари тарғиботи билан шуғулланади. Шунингдек, “Президентнинг иқтидорли фарзандлари” миллий дастури бўйича ҳам фаолият юритади. Ҳозиргача бизда мактабдан ташқари пайтда қайси ўқувчи қайси тўгаракка бораётгани ҳақида рақам ва маълумотлар мавжуд эмас эди. Шу маънода, маслаҳатчилар ҳар бир ўқувчининг рақамлаштирилган ижтимоий портфолиосини ишлаб чиқади. Бу орқали боланинг 1-синфдан 11-синфгача қайси ўқув марказларига боргани, қандай тўгаракларга қатнагани, умуман, ижтимоий фаоллигини кўриш мумкин.

Айни пайтда маслаҳатчиларнинг лавозим йўриқномалари ишлаб чиқиляпти. Ота-оналар тўловига келсак, 2026 йил январдан ушбу бадал миқдори оширилади. Бинобарин, тўлов суммаси юқори бўлса, таълим сифати ҳам шунга монанд бўлади. Чунки аксарият “Ота-оналар арзимаган пул учун ўқитувчилар сифатли таълим бермайди”, деган фикрда юради. Умуман олганда, бу бўйича ҳукуматнинг тегишли қарори ишлаб чиқилади. Камбағал оилалар фарзандлари эса бепул таълим олади.

Мактабдан ташқари таълимни янги босқичга олиб чиқиш борасидаги қарор тизимдаги асосий муаммоларни ҳал қилиб берди. Биргина мисол: “Баркамол авлод” мактаблари, “Ёшлик” спорт жамияти, Ўқувчи ёшлар марказларининг вертикал тизими мавжуд эмас эди. “Келажак” марказлари орқали энди вертикал тизим яратиляпти.

Шунингдек, қарор билан яна бир катта муаммо ҳал бўлди. Илгари мактабдан ташқари таълимда тўгарак раҳбарларининг ҳафталик юкламаси 24 соат эди. Ваҳоланки, бу таълим мажбурий эмас. Мажбурий таълимда ҳам ўқитувчилар бошланғич синфда 18, юқори синфда 20 соат юклама билан ишлайди. Ихтиёрий таълимнинг юкламаси мажбурий таълимникидан кўп бўлиши мумкин эмас. Хорижда ҳам бундай юклама кузатилмайди. Шу боис, қарорда тўгарак раҳбарларининг ҳафталик иш юкламаси 16 соат деб белгиланди. Бу иш унумдорлиги, сифатига таъсир этиб, мактабдан ташқари таълим самарадорлигини оширади.

Айни пайтдаги ислоҳотларнинг барчаси бугунгидан яхши натижалар учун хизмат қилмоғи керак. Қайси жабҳада бўлмасин, уларнинг замирида фарзандларимиз камолоти, нурли эртаси акс этади. Шу маънода, Илк ривожланиш марказларидан тортиб, “Келажак” марказигача бўлган саъй-ҳаракатлар самараси таълимнинг кейинги босқичларида намоён бўлади.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИҚ

БИЛДИРИЛГАН ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАСАК, БАС

Муносабат

Тўйчибой БОЙМАТОВ,
Фарғона вилояти олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси бошлиғи

Жорий йил 15 сентябрь куни Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбир нафақат соҳа ходимлари балки бутун мамлакат тарихида ўчмас из қолдирди.

Тадбирда Президентимиз умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган муаллимларга юксак эҳтиром кўрсатиб, касб байрами билан табриклади. Давлатимиз раҳбарининг биз, педагоглар билан самимий мулоқоти барчамизни янги мақсад, ташаббуслар сари ундади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланиб боряпти. Тараққиёт эса доим юксак билим ва салоҳиятга эга мутахассисларга талабни кучайтиради. Чунки соҳани олға силжитадиган кадрлар, аввало, сифатли таълим олиши керак. Бундай шахслар касбининг моҳир эгаси бўлгани боис, муваффақиятга осон эришади.

Юртимизда таълим сифати ва самарадорлиги тубдан ўзгарди. Очиғи, малакали мутахассислар тайёрлаш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш каби жиҳатларни беш-олти йил аввалги ҳолат билан қиёслаб бўлмайди.

Келинг, фикримизни аниқ рақамлар билан асосласак. Ҳозир Фарғона вилоятида 63 та касбий таълим ташкилоти бор. Уларда 69 минг 532 йигит-қиз 161 та мутахассислик бўйича таълим-тарбия олмоқда. Бу ерда назарий билимларни амалиёт билан уйғунлаштиришга қаратилган тизим — дуал таълим йўлга қўйилган. Шу орқали ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш учун бир нечта янги лойиҳа, ташаббуслар жорий этилди. Касбий таълим ташкилотларига йирик иш берувчи корхона ва ташкилотлар бириктирилган. Натижада 9080 ўқувчи дуал таълимга қамраб олинди. Улар 53 та техникумда 38 касб ва мутахассислик бўйича таълим олмоқда. Жорий йил якунига қадар шу йўналишга 14 минг ўқувчи жалб этилади.

Бу борада халқаро ҳамкорлик ҳам самара бермоқда. Масалан, Фарғона саноат ва хизмат кўрсатиш техникуми халқаро таълим дастурлари доирасида Буюк Британиянинг “Pearson” компанияси билан ҳамкорлик қилмоқда. Унга кўра, ёшлар металга ишлов бериш, пайвандлаш, электриклик, компьютер операторлиги каби талаб юқори касбларга тайёрланади. Муҳими, уларнинг амалиётни 70 дан ортиқ давлатда ўташи учун имконият яратилади. Якунда 120 дан ортиқ мамлакатда тан олинган халқаро тоифадаги диплом ҳамда мувофиқлик сертификати берилади. Мазкур йўналишларда таълим олиш истагини билдирган фарғоналик ёшларнинг дастлабки гуруҳи танлов асосида саралаб олинди. Улар замонавий таълим дастури асосида ўқиб, халқаро бозорда рақобатдош мутахассисга айланади. Бу уларга энг нуфузли халқаро компаниялар, юртимиздаги корхона-ташкилотлар, тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилиш имконини беради.



Бундай ҳамкорлик лойиҳалари эса талайгина. Масалан, Марғилон архитектура ва коммунал хўжалиги техникуми Германиянинг “ASKANIA BUILDING” компанияси билан омбор логистикаси, бино-иншоотлар қурувчиси ва қурилиш монтёрлари йўналишида ҳамкорлик қиляпти. Фарғона шаҳридаги 1-политехникумда Беларуснинг Баранович давлат технология ва дизайн ҳамда Замонавий машинасозлик технологиялари ва автосервис коллежлари билан тикувчилик, машинасозлик, Марғилон туризм ва маданий мерос техникумида Германиянинг “Саксония иқтисодиёт ва таълим маркази” компанияси билан меҳмонхона хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш йўналишларида ўқувчилар касб-ҳунарга ўргатилмоқда. Фарғона ва Марғилон шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумларида Швейцариянинг “Globogate Concept AG” ташкилоти билан ҳамкорликда ҳамширалик иши бўйича 100 ўқувчини қабул қилиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, барча таълим ташкилотларида ёшлар ва хотин-қизларни қисқа муддатли касб-ҳунар курсларига қамраб олишга жиддий эътибор бериляпти. Жорий йилнинг шу кунига қадар 97 та касб бўйича 4850 ёш ва хотин-қизлар қисқа муддатли курсларда ўқитилди. Айни кунда ишсиз 824 фуқаро ўзи танлаган касб бўйича ўқиб, ҳунар ўрганяпти.

Кейинги йилларда касбий таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, касб-ҳунарнинг бозор талабига мос турларини ўргатишга эътибор кучайди. Бунда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси самара бермоқда. Шу кунгача бу йўналишда 37,6 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Президентимиз билан мулоқотда олдимизда турган муҳим вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2026 йил — Ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш йили бўлиши қайд этилди. Шу мақсадда Касбий таълим агентлиги ташкил қилинмоқда. Янги агентлик ва ҳокимларнинг асосий вазифаси барча техникумга янги муҳит олиб кириш ва халқаро стандартларни жорий қилишдир. Бир йилда 100 та техникумда Германия, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Британия каби давлатларнинг таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилади. Уларнинг энг илғор касбий таълим дастурлари жорий қилинади. Бундан ташқари, касбий кўникмаси бор исталган талабгор ушбу техникумларда хорижий давлатларнинг малакани баҳолаш тизими орқали имтиҳондан ўтиб, халқаро сертификат олиши мумкин. “Инвестор — тармоқ — техникум” занжири асосида дуал таълим йўлга қўйилмоқда. Бу ишлаб чиқаришга малакали мутахассислар етказиб беришда ўзига хос имконият яратади.

Мулоқотда дуал таълим билан қамров 5 баробар оширилиши таъкидланди. Рағбатлантириш мақсадида ҳамкор корхоналарга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратилади. Дуал таълим орқали ишлаётган ўқувчилар бўйича ягона ижтимоий тўлов икки баробар қисқартирилади. Айни пайтда янги технологияларни узлаштириш, хорижий инвесторлар билан эркин мулоқот қилиш учун чет тилларни ўқитиш жуда муҳим экани қайд этилиб, техникумларда хорижий тил ўқитиш учун ажратилган соатлар 4 баробар кўпайтирилиши зарурлиги таъкидланди. Келгуси йилдан янги рақамли платформа ишга туширилади. Унда техникум битирувчиларининг касбий кўникмаси ҳақидаги барча маълумот жамланади. Очиқ маълумотлар билан нафақат ўзимиз, балки хорижий иш берувчилар ҳам таниша олади. Бу ҳар икки томон учун қулайлик дегани.

Давлатимиз раҳбари техникумдаги муаллим ва усталарнинг малакасини, жамиятдаги мавқеини ошириш бўйича ҳам янги ташаббусларни илгари сурди. Мактаблардаги каби техникум ўқитувчи ва усталари учун касбий сертификатлаш тизими жорий қилинади. Шу орқали техникум устозларига миллий сертификат учун ойлигининг 30 фоизи, халқаро сертификатга эса 50 фоизи миқдорида устама тўланади. Бу фидойи устозларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш йўлида берилган катта имкониятдир. Шу билан бирга, техникум директори ва ўринбосарлари мактабдаги ҳамкасбларидан кам бўлмаган миқдорда ойлик олади. Агар улар “Директорлар мактаби”да менежерлик сертификатини олса, яна қўшимча 20 фоиз устама тўланади. Ҳа, устозлар меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган имтиёз ва имкониятларнинг саноғи йўқ. Муҳими, буларнинг барчаси юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини қадрлаш, қўллаб-қувватлаш йўлидаги имкониятларнинг амалий намунасидир. Энди шунга муносиб ишласак, билдирилган юксак ишончни оқласак, бўлди.

www.yuz.uz — yuz.uznews — yuz_official — yuz.uz_news — yuz.uz

Мулоҳаза

ТАНАФФУССИЗ ЖАРАЁН

ТАРБИЯДА ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ



Яқинда ижтимоий тармоқларда Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги мактаблардан бирининг икки ўқувчиси томчилатиб суғориш учун қазилган техник ҳовузга чўмилиш учун тушиб, чўкиб кетгани ҳақидаги хабар тарқалди. Қишлоқда бундай сув ҳавзаси борлигини, болалар унда чўмилаётганини катталар билмаган ҳам. Ҳимояланиш учун ҳеч қандай шароит йўқ ҳовуздан болалар жасади муайян муддат ўтгандан кейин топилди...





Муҳтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Ижтимоий тармоқлардаги бу хабарга муносабат билдирганларнинг аксарияти бошига оғир мусибат тушганларга сабр тилади. Бир қарасангиз, икки хонадонда кутилмаган фожиа юз берган, атрофдагилар бефарқ эмас, ҳамдард. Аммо миллий қадриятларимизнинг асосий устун қоидаларидан бири шуки, ота-она ўзига омонат бўлган фарзандларининг жисмонан, ақлан, маънан соғлом улғайиши учун кечаю кундуз меҳрибонлик, ғамхўрлик кўрсатиши шарт. Лозим бўлса, фидойилик қилиши ва тарбиясига билим, жонкуярлик, ҳушёрлик, талабчанлик билан ёндашмоғи, дилбандини яхши инсон қилиб улғайтириш учун танаффуссиз саъй-ҳаракатда бўлмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида бундай белгилаб қўйилган:

“Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт.

Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга”.

Мана шу қадрият ва қонуний ҳужжат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ота-она вояга етмаган боласининг қачон, қаерда, нима ишлар билан шуғулланаётганидан доим хабардор бўлиб туриши лозим. Афсуски, кўпчилик наздида, айниқса, чекка ҳудудларда болалар хоҳлаган пайтида уйидагиларни огоҳлантирмай чиқиб, ўз маҳалласи, қўшниси, мактаби, уйига яқин жойларда юриши оддий ҳол саналади.

Биз ҳозир “бир болага етти маҳалла ота-она” бўлган даврлардаги анъаналарни тиклаш йўлларини излаяпмиз. Тезкор замонда аксаримиз қўшнининг, маҳалланинг боласи у ёқда турсин, ўз дилбандимизга ҳам етарли вақту эътибор ажрата олмаяпмиз. Кўпчилик ота-оналар боласининг қаёққа, кимнинг олдига, нима мақсадда кетаётганини ҳар доим ҳам суриштиравермайди. Бундай вазиятда ўсган ўғил-қизлар хонадонидан чиқиб кетаётганда “Мен фалон жойга кетяпман. У ерда ўқиймиз ёки ўйнаймиз. Фалон соат давомида ўша жойда бўламан” қабилида огоҳлантиришга одатланмаган, албатта.

Юқорида тилга олинган фожиани таҳлил қилиб кўрайлик. Икки болажон жасади муайян муддатдан кейин техник ҳовуз тагидан топилиши уларнинг бу ҳавзага келганидан бирорта одам хабардор эмаслигининг далили. Болалар ўз ихтиёри билан уйдан чиқиб кетган, ҳеч ким “Қаерга кетяпсан, нима қиласан?” деб сўрамаган. Ҳар доим ўз ихтиёри билан кўчага чиқиб, ўртоқлари билан ўйнаб келишга ўрганган икки ўртоқ “бирпасда чўмилиб келамиз”, деган хаёлда, “ҳеч ким сўрамайди, уришмайди” деган фикрда ҳовузга кетган бўлса, ажабмас. Балки ўша пайтда катталар уйда бўлмагандир... Аммо мудҳиш оқибатни ҳеч қандай сабаб оқламайди.

Ота-она ҳали тажрибасиз, ҳиссиётларга берилувчан, ҳар хил таклифларни мулоҳазасиз, мушоҳадасиз қабул қилиш эҳтимоли юқори бўлган боласини нотўғри қадам қўйишдан асраш учун тонг отгандан кун ботгунга қадар фарзанди кимларга ҳамроҳ ва нима ишлар билан шуғулланишини олдиндан билиши, режаларини аниқлаштириши, зарур бўлса ўзгартириши шарт, менимча.

Ёдингиздами, бир йили синглисини боғчага олиб борган етти яшар қизча устига боғча эшигининг ойнаси синиб тўкилиб, оғир жароҳатлардан вафот этганди. Бу ўзи қаровга муҳтож қизчага катталарнинг масъулияти юкланиши оқибати. Яна бошқа бир кичкина опача боғчада қолишни истамаган синглисини ўзи билан уйга қайтариб олиб келган, аммо бу ҳақда онасига айтмаган. Боғчадан опаси билан қайтган кичкинтой ўз ҳолича ўйнаб юриб, кўчадаги ариққа тушиб нобуд бўлганди...



Эҳтимол, фожиадан кейин болани боғчадан қайтариб олиб келгани, буни ҳеч кимга айтмагани учун опачага танбеҳлар бўлгандир. Бироқ бу ўринда болани айблаш нечоғлик ўринли?

Шу жойда бир қадрдонимнинг одати ёдимга тушиб кетди. У болалари энди юра бошлагандан: “Агар йиқилиб бирор жойинг шилинса, дарров менга айт”, фарзандлари улғайгани сайин: “Соғлиғингда, бошқа ишларингда кичкинагина муаммо бўлса ҳам ўзим тўғрилаб оламан деб индамай юрма, менга дарров айт!” дер эди. “Жуда оширворасизда”, деб кулсак, “Булар тажрибасиз. Озгина шилинган жойни ўзим тузатаман деб йиринглатвориши мумкин”, деб жавоб берарди.

Ўртада парда борми?

Халқда “Фарзанд 50, 60, 70 ёшга кирса ҳам ота-она учун бола”, деган гап бор. Демак, ота-оналик масъулияти зиммадан ҳеч қачон соқит бўлмайди. Зеро, ота-онанинг фитратида бўлган фарзандга муҳаббат туйғуси бунга йўл қўймайди. Фақат ҳамма гап ана шу меҳр-муҳаббатни ким қандай тушуниши, қандай намоён этишида!

Яқинда Андижондан Самарқандга келин бўлиб тушган қизнинг жасади ота уйига олиб келингани ҳақидаги хабар ижтимоий тармоқ орқали ёйилди. “Болам” деб зорланаётган она Самарқанддан қўшниларинигка меҳмон бўлиб келган аёл қизини ёктириб қолиб, ўғлига олиб бергани, йигит илгари икки (баъзи ўринларда уч марта деб айтилмоқда) бора уйланиб ажрашганини айтишмагани, қизи куёв билан уч ой яхши яшаб, кейин нотинчлик бошлангани, қиз ота-онаси билан телефонда гаплашишига ҳам куёв рухсат бермаганини айтади. Марҳуманинг отаси ҳам мотамда.

Сарлавҳасини ўқибоқ, бу воқеа билан танишганлар сони соат сайин ортди. “Ўзим самарқандликман. Адолат қарор топмаса, рози эмасман”, “Синглимизнинг жойлари жаннатда бўлсин”, “Блогер болалар, шу оилага ёрдам беринглар”, “Куёвнинг жазосини берсин, экспертиза қилсин, аниқ бўлади”, “Бировнинг оиласини бузиб, туҳмат билан телефон қилган қўшнининг жазосини Аллоҳ берсин”, “Ота-онасига сабр тилайман”, “Қизнинг ота-онаси жуда самимий одамлар экан, кўриниб турибди” қабилидаги мулоҳазалар куйган юракларга туз сепишдек туюлса ҳам, донишманд айтганидек, яхшидир аччиқ ҳақиқат. Шундай эмасми? Чунки ёмон яранинг устини ёпиб, табибга кўрсатмасликнинг оқибати ачинарли бўлиши мумкин.

Бир қарашда ўзи шундоқ ҳам ғаму ҳасратда қолганларга қарата ижтимоий тармоқнинг айрим кузатувчилари ёзганидек, “Ҳаммасига ота-она айбдор. Уч марта уйланганини эшитиб... ҳамма ёққа кўз юмиб, эр бўлса бўлди деб ташлаб қўйгансизлар қизларингизни”, “Қиз берганда суриштириб беради... ахир мол сотгани йўқ-ку...” қабилида гапириш бешафқатликка ўхшайди.

Аслида, бу аччиқ фикрлар бағритошликнинг эмас, жонкуярликнинг ифодаси. Ҳаётда адашмаган, хато қилмаган одам топилармикан? Аммо тирик экансиз, астойдил хоҳласангиз, ҳаракат қилсангиз, ҳар қандай муаммонинг чорасини топиш мумкин. Юртдошларимиздан бири куюниб савол беради: “Бир нарсани тушунмайман. Қизингни берибсан, хабар олмайсанми, яхшилаб гаплашмайсанми? Ота-оналар билан фарзанд орасида парда борми? Нега аҳвол шу даражага етгунча мусулмончилик деб, сабр деб, шукр деб ўтирасан?”.

Шу ўринда ўринли бир савол туғилади. Нега кўпинча битта кийимлик сотиб олишдан аввал бозор пештахталаридаги неча хил матонинг орқа-олдини, энию узунлигини, рангию тўқилишини синчиклаб кўзимиз, қўлимиз билан текширамиз-у, келинликка, куёвликка номзодлар хусусида бошқаларнинг таклифу таърифи, ташқи кўриниши, уй-жойи кабиларни кўриб хулоса чиқарамиз? Афсуски, кутилмаган нохуш воқеадан кейин бузилган оилада бир неча йиллардан буён алдов, зулм, меҳрсизлик, уруш-жанжаллар давом этиб келгани бирдан “сув юзига қалқиб чиқади”. Атрофдагилар, маҳалла фаоллари ҳайрон: “Тинчгина яшардилар. Биз бу келиннинг юрагида бунча алам, норозилик борлигини билмагандик...”.

Бошқалар билмаслиги мумкин. Бироқ она ўзи улғайтирган қизининг феълу атворини, ичидан нималар ўтаётганини кўзи, сўзи, кайфияти, ўзини тутишидан билади-ку! Бу ўринда айрим оналар эрка қизларининг “Куёвингиз янги кўйлак олиб бермаяпти”, “Бугун уйимизда картошка йўқ”, “Қайнонам эмизикли болани ташлаб кетманг деб туғилган кунга юбормади” қабилидаги арзларининям гап қилиб кўтариб юришини назарда тутмаяпмиз.

Бироқ куёв хонадонидаги носоғлом, нотинч муҳитдаги ҳаётини билиб-билмаганга, кўриб-кўрмаганга олган онанинг қизи ўз аҳволу ҳолини айтишга журъат қилмаган, қўрққан, яширган бўлса, демак, она билан қиз ўртасида йиллар давомида шаклланган парда бор. Ҳаётни кузатган сайин бу парда бепарволик, лоқайдлик, оналик масъулиятию шарафини билмаслик, меҳрсизлик, журъатсизлик, билимсизлик “ип”ларидан тўқилган дегим келади.

Мени тушунинг, ахир фарзандга ва айниқса, қизларга онадан ҳам яқинроқ, сирдошроқ, ғамхўрроқ ким бўлиши мумкин? Яна: ёмонликни кўриб, кундан кунга каттариб бораётган салбий оқибатларини ҳис этиб туриб, уни яхшилаш йўлини изламай жим юриш сабр эмас, журъатсизлик, қўрқоқлик, масъулиятсизликдир.

Фикримнинг исботи учун атрофга бир қур назар солишнинг ўзи кифоя. Йўлакда ёш она телефонга тикилганча кетиб боряпти, орқасидан йиғлаб, оёқчалари чалишиб чопиб бораётган уч ёшлар чамасидаги қизалоқнинг асфальт йўлга йиқилиб тушиши мумкинлигидан хавотирланасиз, она эса телефондан кўзини узмайди... Жамоат транспорти ҳар тормоз берганда ўриндиққа ўтқазиб қўйилган митти бола бир қалқиб тушади, енгилгина болакай машина туйқус тормоз бериб тўхтаса, олдинга мункиб кетмасмикан деб жонингиз ҳалак, онаси ойна томонга қараб, телефонда гаплашиб кетяпти.

Ўсмир қизнинг қонсиз юзларига қараб секин сўрайман: “Энди сиз катта бўляпсиз. Ойнинг муайян кунларида оғир юк кўтармаслигингиз керак. Ўша кунларни онангиз ҳам биладими?”. Қиз айб иш қилгандай ерга қарайди: “Онамга айтишга уяламан, билмайдилар”. Онаси билмаса, жисмоний-асабий зўриқишдан асраш, гигиеник томондан алоҳида ғамхўрлик қилиш керак бўлган пайтларда бу қизни ким ҳимоялайди?

Атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларни кузатиб, мулоҳаза қилиб, айрим оилаларда онаю бола ўртасидаги бу парда фарзандлар дунёга келган кунлардан шакллана бошлаганини ҳис этасиз. Фикрим муболаға эмас. Статистик маълумотларга кўра, республикамиздаги бир ярим ёшгача, яъни она сути билан озиқланиши керак бўлган гўдакларнинг ярмидан кўпи сунъий овқатлар билан боқилади. “Ўқишдан қоламан”, “Ишлашим керак”, “Семириб кетишни истамайман”, “Тўю тадбирларга боролмай қоламан” каби сабабларни асос қилиб, мурғакларни ҳаётининг дастлабки йилларида она сутидан бебаҳра қилаётганлар кўпайиб боряпти.

Кечагина дунёга келган, волидасининг иссиқ бағри, нафаси, ҳиди, овози, сутига ташна жаннат гулини ўринга ётқизиб қўйиб, сўрғичдан озиқлантиргани она ўзи билан жонпарчаси ўртасига парда тортишни бошлагани эмасми?!

Ижтимоий тармоқда ёритилган, хусусий боғча тарбиячиси билан энагаси тўрт ёшли боланинг оғзига чойшаб тиқиб ўлдириб қўйгунича бўлган жараёнларни қаранг. Бола боғчанинг овқатини егиси келмаган, емагани учун боғча опа жазолайди. Тушликдан кейин болалар ўринларига ётиб уйқуга кетади, лекин ҳалиги болача ухлашни хоҳламайди, ётмайди, бунинг учун боғча опадан тепкилар ейди, ноинсоф опа болани бир неча марта уриб, каравотчасига отиб юборади. Кейин ётган боланинг ухлаган, ухламаганини текширади, кўзи очиқ болани яна хўрлайди, ура-ди, отади. Икки кишилашиб унга жисмоний зулмлар қилгач, оғзига латта тиқишиб, отиб юборишгандан кейин болажон ҳушидан, шу кўйи ёруғ дунёдан кетади... Ит, мушукниям ишониб топшириш мумкин бўлмаган бунақа “боғча опа”ларни ким қандай билим, тажрибаларию қайси фазилатларига қараб ишга олгани бошқа оғриқли масала.



> **БИЗ ҲОЗИР “БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА” БЎЛГАН ДАВРЛАРДАГИ АНЪАНАЛАРНИ ТИКЛАШ ЙЎЛЛАРИНИ ИЗЛАЯПМИЗ. ТЕЗКОР ЗАМОНДА АКСАРИМИЗ ҚЎШНИНИНГ, МАҲАЛЛАНИНГ БОЛАСИ У ЁҚДА ТУРСИН, ЎЗ ДИЛБАНДИМИЗГА ҲАМ ЕТАРЛИ ВАҚТУ ЭЪТИБОР АЖРАТА ОЛМАЯПМИЗ. КЎПЧИЛИК ОТА-ОНАЛАР БОЛАСИНИНГ ҚАЁҚҚА, КИМНИНГ ОЛДИГА, НИМА МАҚСАДДА КЕТАЁТГАНИНИ ҲАР ДОИМ ҲАМ СУРИШТИРАВЕРМАЙДИ.**

Яна мавзуга қайтсак. Сиз қандай фикрдасиз, аммо мен юқорида тасвирланган, суд жараёнида “боғча опа” ўзи иқрор бўлиб айтиб берган қилмишларини ўша куни биринчи марта қўллаганига ишонмайман. Бола шундай маъсумки, уни сал туртиб қўйсангиз, кўлингиз оғрийди. Ўша “темир опа” болаларни, айниқса, кўнгли тортмаган овқатни емагани, “ўтир”, “тур”, “ёт”, “ухла” деган буйруқларини қўйдеккина бўлиб бажармагани учун ўша юраги қайноқ полвончани ҳар куни жазолагандир...

Чунки бир болага нисбатан бунақа нафрат, ваҳшийлик бир кунда шаклланмайди. “Боғча опа”нинг иқрорлари кўп йиллик тажрибасидан дарак беради. Энди... шундай вазият, муҳитга бола ҳар куни ўз ихтиёри, хоҳиши билан ўйнаб-кулиб борган деб айтиш қийин. Агар ўртада парда бўлмаганда, овқатини егиси келмаган, ухлолмагани учун калтаклайдиган боғчага боргиси келмаслигини, у ердаги воқеаларни онасига айтган бўларди. Балки айтгандир... онанинг эндиги пушаймонлари фойдасиз.

Дунёда шундай боғ мавжуд

“Боғчага бормайман!” деб йўл-йўлакай йиғлаб кетаётган ўғил-қизларни кўп кўрганмиз. Кимлар қўлига ширинлик тутқазиб, кимлар дўқ-пўписа билан, кимлар ҳар хил ваъдалар билан болани алдаб, боғча эшигидан киритиб юборганига хурсанд. Булар орасида ишламайдиган, кун бўйи уйда ўтирадиган оналар ҳам бор. Улар уй ишларини хархашасиз бажариб, дам олишлари, салон ёки ўтиришларга бемалол бориб келишлари учун... ҳатто иситмалаётган болани дорици билан боғча опага ташлаб келганларини айтишдан уялмайди.

Мактабга ўз ихтиёри билан бориб, фарзандининг ўқиши, юриш-туриши ҳақида хабардор бўлишни қўя турайлик, уч-тўрт ойда бир марта бўладиган ота-оналар йиғилишида қатнашишдан зорланадиганлар, бормаслик учун баҳона излайдиганлар озми? Боласи жим ўтириши учун соатлаб телефон тутқазиб қўядиган ёки фарзандининг юз-кўзларига термилиб ўтириб, унинг рангу рўйи, кайфияти, нималарга қизиқишини билиш учун суҳбатлашишдан кўра, ижтимоий тармоқлардаги ёлғон шов-шувлар, тарбиясизлик мактабига айланиб бораётган сифатсиз сериалларга қул бўлиб қолаётганлар қанча... Ана ўшалар эртанги кунларига суянч, меҳрибон, моддий-маънавий томондан беминнат қўллаб-қувватловчи бўлмоғи кутилган фарзандларидан узоқлашиб бормаяптиларми?

Фарзанди кутилмаганда оғир аҳволга тушиб қолган ёки нобуд бўлган ота-оналар бунга сабаб бўлган одамларнинг қонунан жазо олишларини истайди. Табиий, жиноят жазоланиши шарт, жамият яна шундай нохушликлар такрорланишидан ҳимоя қилиниши керак. Фақат... айбдорларга берилган жазо ота-онанинг қалбидаги фарзанд доғига, армону оғриқларга ҳеч қачон малҳам бўлолмайди. Молу давлат, мансабни, ҳатто дўсту қадрдонларни қайта топиш мумкин, фақат мақолда айтилганидек, ҳар бир боланинг ўрни бошқа. Тўғри, тақдири азалда нима борлигини билмаймиз. Аммо ҳадиси шарифда ҳар қандай ишнинг хайрли натижасини кутган одам, аввало, ўзи бунинг учун замин тайёрлаб қўйиши кераклиги айтилган. Ахир инсонга ақлу фаросат, ихтиёр бекорга берилмаган!

Йил фасллари ер юзидаги боғларнинг гуллаб, мева тугиб, пишиб етилиши учун хизмат қилади. Бу ёруғ дунёда шундай боғ мавжуд — у парвариш, эътибор, меҳру мурувват, муҳаббатдан яшнаб, тинмай гуллаб, кўзларингизга қувонч, жисмингизга қувват, қалбингизга нур, умрингизга саодат тутади. Тўғри англадингиз, бу — ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандлари боғи. Жамиятда, икки дунёда насиб этиши мумкин бўлган бахту иқболимиз, насиб этиши мумкин бўлган савобу бағри бутунлик ҳам, аввало, фарзандларимизнинг чиройли тақдири билан боғлиқ. Умр ғанимат, ҳаммамиз бир-биримизга ғаниматмиз.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
34830 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусаҳҳиҳ: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 07:09 Топширилди — 07:30